

10 25891  
2  
Олим Қўчқорбеков

10 25891  
2

# Афанди уйланармиш



ёхуда  
шифобахш  
кулгилар

25891

10 2

2000A-3250

Курсовые работы,

Академия наук СССР

К. И. М. П. 1984

Секция 2/11-101-

2000A-3250

100

ОЛИМ ҚЎЧҚОРБЕКОВ

**АФАНДИ  
УЙЛАНАРМИШ**

**ЁХУД  
ШИФОБАХШ  
КУЛГИЛАР**

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2000

## МУАЛЛИФ ҲАКИДА

Ҳажвчи Олим Қўчқорбековни китобхонлар яхши танишади. Муаллифнинг бошқа китоблари қатори «Шеър ва масаллар», «Биринчи сорт буйдоқ», «Саломига яраша», «Зағизгон — ваъахон» каби ҳажвий ғўпламлари қўлдан қўлга ўтиб, ўқиб келинган.

Қўлингиздаги бу китобчада эга муаллифнинг сўнгги йиллардаги кулли бахш этувчи ижодий маҳсулидан намуналар ўқийсиз. Унда ҳозирги давр руҳи билан суворилган ҳажвиялар, ингермедиялар, шунингдек, ичакузди латифалар-у гурли соҳа кишилари учун мўлжалланган хандалар, шичинглар, ҳажвий шеърлар ва масаллар мавжуд.

Ҳурматли китобхон! Муаллифнинг қўлингиздаги бу китобчаси шифобахш кулгилардан иборат, — ўқиб кўринг, мириқиб куласиз, ғамандух, ташвишларингиз, дардингиз арийди!


Қ 97

**Қўчқорбеков Олим.**

Афанди уйланармиш ёхуд шифобахш кулгилар. — Т.: «Шарқ», 2000. — 80.

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти, 2000 й.



### Бир машина ҳашак

Кўпқаватли уйда яшовчи Мавжуда турмуш ўртоғи билан аразлашиб қолганди. Ҳар куни уйда хотинининг ковоғидан қор ёғаверганини кўрган Усмоишжоннинг тоқати тоқ бўлди. Охири кичик қизчасига, қизим сенга айтаман, онаси сен эшит, тарзида овозини баянлаётган деди:

— Энди мен «Тоғлик»даги аммантларникига бориб яшайман, бу уйдаги совуқ қор хали-бери эримайдиганга ўхшайди! — у бу гапларни айтди-ю, елкасига тўнани ташлаб чиқиб кетди. Орадан икки ой ўтса ҳам эридан дарак бўлмагач, Мавжуда «Тоғлик» жамоа хўжалигининг бош ҳисобчиси номига шундай ариза ёзди: «Ҳурматли бош ҳисобчи. Менинг икки гўдак болам бор. Эрим Усмоишжон Ўрмонов уйдан аразлаб кетиб, ўша ерда ишлаётган эмиш. Илтимосим шуки, унинг иш ҳақидан менга алимент ундириб, почта орқали жўнатсангиз?»

Ариза ёзилганига икки ҳафта бўлган куни Мавжуданиннг эшиги кўнғироғи жиришглади. Эшикни очса ёш бир йиғитча турибди.

— Мавжуда Ўрмонова сиз бўласизми? — сўради йиғит.

— Ҳа, ўзим.

— Мен «Тоғлик» жамоа хўжалигининг шофёриман. Алимент ҳақингизни олиб келгандим, кўчада юк машинада турибди.

— Нима экан у машинада турган? — хайрон бўлиб сўради Мавжуда.

— Олтмиш боғ ҳашак.

— Ҳашак! — деди-ю, Мавжуданиннг авзойи бадани қалтираб, хушидан кетаёзди. Ичкарида кузатиб турган тўнғич қизчаси дарров пиёлада сув келтириб, онасига ичирди. Шундан кейин Мавжуда ўзини тутиб олиб, йиғитга қаради:

— Укажон, ҳашакни мен нима қиламан?

— Эй янгажон! Бизда ойлик маош учун одамларга

ем-хашак берилади, хўжалигимиз чорвадор хўжалик. Шунинг учун Усмонжон аканинг икки ойлик маошининг элик фойизини хисоблашиб, олтмиш боғ хашак бериб юборишди. Бизда пул берилмайди.

— Энди гап бундай укам, — деди Мавжуда жиддийлашиб, — Усмонжон акангизга бориб, уйдаги қор эрибди, узокка қатнайдиған автобусни хайдашга боравераркансиз, деб айтинг!

— Янгажон, унда хашак нима бўлади?

— Нима бўларди, жойнга қайтариб олиб боринг-да, бош хисобчига «Алиментга хашакни аралаштирманг экан» дейсиз!

— Амаки, дадамларни жуда соғиндик, тезроқ келсинлар! — деди қизча ялингансимон кўзлари ёшлашиб.

— Албатта, келадилар, айтаман бугуноқ бориб! — дея йигит зинаоялардан пастга шошилганича тушиб кетди.

## **Икки бошлиққа бир тўн**

Аввалги пайшанба куни Латифжон арзанда неварасининг суннат тўйини ўтказди. Тўйга ошна-оғайниларини бирма бир айтиб, ҳаммасининг қўлига таклиф қоғози тутқазганди, ҳаммаси келишди. Тўйда хизмат қилувчилар Латифжоннинг имо-ишораси билан кўрсатилган жойларга одамларни ўтказишарди. Шу орада ёш бир йигитча кириб келди. Унга Латифжон таъзим қилиб, кутиб олди-да, хизмат қилувчиларга буюрмай, ўзи олдиндан хозирлаб қўйилган юшоқ курсига бошлади. Ўзи ҳам унинг ёнидаги курсига ўтириб, дастурхонларга қараб турган Оқил деган йигитни имлаб чақирди, унинг қулоғига бирнималарни шивирлади: — дастурхон, боя мен айтгандек бўлсин, буёқ янги бошлиғимиз бўладилар!

Пойгароқда ўтирган ёнги кексалар ўзаро пичирлашарди:

— Ким экан у, министирмикан?

— Йўқ, Оқилдан сўрагандим, Латифнинг бошлиғимиш.

— Эҳ-ха! Жуда ёш экан, сал пастроқда ўтирса ҳам...

Бироздан кейин Латифжон маҳалладаги обрўли ки-

пилардан бирини бошлиғининг ёнига ўтказиб, ўзи узр сўраб, кўча эшик олдига чиқди. Шунда ўрта мактабда ўзи билан бирга ўкиган жўпроқ кийинган ошнаси келиб, сўрашаётганида Латифжоннинг кўлига тўяна пули тутказди. Латифжон уни менсинқирамай, ёнидаги бўш ўриндиққа ўтказиб, ичкарига таклиф этишни ҳам раво кўрмади.

— Ўб-бў, дўстим Хаёт-ей, мен тўй қилаётганимни қаёқдан эшитдинг?

— Шерзоддан эшитдим, уни аввалги куни поезддан тушаётганимда вокзалда кўрдим, кимнидир кутиб олишга чиққан экан.

— Ҳорижда қанақа ўқишни битирдинг, ўзи?

— Банкирликни-да!

— Унда касбдош эканмиз, — деб дўстининг елкасига қоқиб кўйди Латифжон, — энди мана шу келаётган одамлар билан ош еб чиқ, дўстим. Ия, тўхта улар орқасида келаётганлар бизнинг идорадан, ўшалар билан кирақол.

Ноилож Хаёт кўча эшик олдида тик туриб қолди. Латифжоннинг ишораси билан бирга ишлайдиган одамлар махсус тайёрланган жойга ўтказилди. Улар келтирган совға гиламни Оқил дарров тўрдаги уйга ташлаб чиқди. Аммо, Хаёт ичкарига кирмади. Кўрсатилган жойга ўрнашиб олган касбдошлари бугун тайинланган янги бошлиқнинг эшик олдида қўл қовуштириб турганини кўришиб, ўзаро гаплашишарди:

— Унинг бизга бошлиқ бўлиб тайинланганини Латифжон билмаса керак. Ишдан татилга чиқиб, тўй қиляпти-да, ахир!

— Қариндошига ўхшайди, кўчада қўл қовуштириб, турибди-ку!

— Нима бўлганда ҳам Латифжонни бугунги йиғилишдан хабардор қилайлик — деб, бир хамқасабаси секин ўрнидан туриб, ташкарига чиқди:

— Латифжон, буёқни танийсизми?

— Танийман, мактабдош оғайним Хаёт бўлади.

— Унда оғайнингизни табриклаб қўйинг, — зўрма-зўраки илжайиб деди у — бугундан бошлаб, бошлиғимиз этиб тайинландилар.

— Ростданми, Хаётжон дўстим, жуда камтарсиз-да!

— Хаётни қучоқ очиб, бағрига босди-да, Оқилни четга имлаб чақирди. Оқил югуриб кириб, тўйхонада ўтирган бошлиқни Латифнинг олдига бошлаб келди. Унинг ўрнига Хаётни олиб бориб ўтказмоқчи эди, бўлмади. Хаёт собиқ бошлиқни қўярда-қўймай, ўтирган жойига етаклаб борди-да, ўрнига ўтказди. Бошлиқларга қайта дастурхон тузаш бахонасида Оқил улар гапига кулоқ солиб, сирни билди, шекилли, келиб, Латифжоннинг кулоғига шивирлади: «Собиқ бошлиқнингиз вилоят банкига кўтарилибдилар»

— Хайрият, — деди Латифжон паст товушда, — сал қолибди-я, бир бало бўлишимга. Энди Оқил тўнни ўзинг кийгазасан.

— Тўн битта, — янчисига кийгазавераман-да!

Бошлиқлар ошдан чикиб кетишаётганида Оқил янги бошлиқнинг йўлини тўсиб, унга зарбоб тўн кийгазган эди, у елкасидан тўнни олди-ю, собиқ бошлиқнинг кифтига ташлади.

— Биз кейинги тўйда киямиз, бу галги навбат сизники, — деб қўйди Хаёт қўлини кўксига қўйиб. Унинг бу гапидан Латифжоннинг баданини совук тер босди.

## Тиртик

Ён қўшним қайсидир қорхонанинг машинасини хайдарди. Ўша ўзи ҳайдайдиган юк машинасини икки йил бурун сотиб олиб, киракашлик билан шуғулланарди. Тунов қуни кечкурун ана шу қўшним уйга кириб келди. Ҳурмати учун дастурхон ёзди. У бироздан кейин дилидаги тугунини ешиб, мақсадга кўчди.

— Агар, қўшни йўқ демасангиз, бир таклифим бор эди?

— Литаверинг, маъқул тупса ажабмас, — дедим унга пиёладаги чойни узататуриб. У қўлимдан пиёлани олди-да, хонтахта устига қўйиб, гап бошлади:

— Менимча, сизга ҳам маъқул бўлади. Гап бундай: яқинда «Бўз сув» жамоа хўжалигидан шартнома асосида ярим гектар ер олдим. Биргалиқда ўша ерга картошка эксак, бир ўзимнинг қучим етмайди. Олган ҳосилимиздан икки тоннасини хўжаликка топширамыз, қолгани ўзи-



мизинки бўлади. Худога шукур, юк машинамиз бор, бозорда картошкामизни сотиб, у-буга яратсак, чакки бўлмас.

— Ишимиз бор-ку, буёни нима бўлади?

— Нима бўларди, бўшайсиз, кўясиз-да! Қачонгача қоровуллик қиласиз?

— Ўйлаб кўрарман...

Кўшнининг таклифи маъқул гушиб, қоровулчиликдан бўшадим. Ҳар кун и юк машинаси кабинасига ўтириб, ўн чақиримча наридаги ерга бориб, деҳқончилик қила бошладик. Ҳосилимиз чакки бўлмади. Кўп ўтмай, бир машина янги картошкани бозорга олиб бориб, чўштакларимизни тўлдирдик. Шундан кейин эса шартномани бажаришга киришдик. Жамоа хўжалиги омборига картошка олиб бордик. Шеригим «Кузовнинг орқа бортини очинг!» деб қолди. Борт занжирини бўшатганимни билман, бир нарса чап юзимнинг терисини шилиб юборгандай бўлди. Кўйлагим қонга бўялди. Тезда ўша ердаги шифокорга олиб боришди, у юзимга йод суркаб, ок дока билан боғлаб қўйди-да, касалхонага йўлланма ёзиб берди. Бир ҳафтадан кўпроқ, шифохонада ётдим. Бу орада кўшним икки маротаба келиб, мендан хабар олди. Уйга келганимдан сўнг юзимдаги докани олиб, кўзгуга қарасам, башарамда «чиройликкина» тиртиқ пайдо бўлибди. Қаттиқ бир хўрсиниб, докани қайта боғлаб қўйдим. Эртасига кўшним икки қоп картошка олиб келиб берди. У оғринган ҳолда қўлимга икки юз сўм пул ҳам тутқазди.

Энди бу ёни нима бўлади, киш қиличини кўтариб келяпти. Уйга у-бу керак. Кўшним берган пул урвоқ ҳам бўлмайди. Ана шуларни ўйлаб, иш ахтаришга киришдим. Газетада босилган эълонни ўқиб, ярмаркадаги магазин мудирини ҳузурига бордим.

— Келинг, хизмат? — деди мудир юзимга жирканиб-роқ тикилиб.

— Эълонни ўқиб келгандим, қоровуллик қилсам, дегандим.

— Илгари судланганга ўхшайсиз, бизга судланмаган одам керак.

— Сира-сира судланмаганман.

— Йўғ-е!

— Юзимдаги тиртиққа қараманг, бу...

— Кўйинг, ўзингизни оқламанг, мени бўш қўйинг, харидорлар келиб қолишди.

Мудир хузуридан асабим бузилиб чиқдим. Илгари ўзим ишлаган жойга борсам, ўрнимда бошқа биров ишлаётган экан. Кўчада хомуш хаёл суриб кетаётсам, жияним учраб қолди. Унга яна қоровуллик ишини ахтариб юрганганини айтгандим, нарироқдаги дарвозага қоровул керак, деб ёзиб қўйганини гапирди. Шоша-пиша бордим. База бошлиғи:

— Тез-тез ичиб турасизми? — деб қолди тиртиғимга ишора қилиб.

— Йўқ, умримда оғзимга олмаганман.

— Алдаманг, мен одамларнинг кимлигини бир кўриш-даёқ биламан!..

Бу сафар ҳам тиртиғим панд берди. Яна беш-олти жойга бордим, ҳаммаси юзимга қараб, хаёл суриб қолишади. Хуллас, омадим чопмади. Картошка экмай ўлай, қаёқланам, машинанинг орқа бортини очақолгандим. Эндиликда хотинимнинг маслаҳати билан косметик шифокорга қатнаяман. Айтинг-айтинг, тиртиғим йўқ бўлиб кетсин-да! Зора мени одамлар «Очил тиртик» деб аташмасайди, э худо, ўзинг шифосини бер!

### **Афанди уйланармиш**

Бир хафтадан бери маҳалладаги ёш-қариялар оғзида дув-дув гап.

— Хой қўшни, эшитдингизми, Афанди уйланармиш!

— Қўйинг-е, бўлмаган гап, ёши бир жойга бориб қолган фариптадай кампири бўлатуриб-а?

— Ишонаверинг, ростга ўхшайди, тўй таралтуди авжидамиш!

— Кичик ўғлиними ё неварасиними уйлантирса керак-да!

— Йўқ, ўзи уйланыпганмиш, даб-дабали янгича тўй бўлармиш.

— Унда мияси айниган қария ёш бир қизга уйланаркан-да! Сира ишонгим келмаяпти. Яхшиси юринг, уйларига бориб, аниғини билиб олайлик!..

Ховлига маҳалладошларининг кирганини кўрган Насриддин Афанди хотинига гапирди:

— Хой Мехринисо! Маҳалладан меҳмонлар келишди, пешайвонга жой сол!

Меҳмонлар салом-аликдан сўнг кўрсатилган жойга ўтиришди. Афанди уларга чой қуйиб узатаркан, сўради:

— Хуш келибсиз, азизлар, тинчликми?

— Ха тинчлик. Келганимизнинг боиси, ҳаммасқда гап: «Афанди уйланармиш» дейишяпти. Бу — ҳазил-хузул эмасми?

— Ҳазили йўқ, — деди Афанди носдан бир отимини отиб, — уйланинман! Янгича катта тўйга тайёргарлик кўряпман!

— Қўйинг-е! Ҳазил ҳам эви билан-да!

— Ҳазили йўқ, дедиму, — ростдан!

— Унда, — дейишди меҳмонлар бир-бирига хайрономуз қарашиб, — нимага уйланадиган бўлиб қолдингиз, сир бўлмаса айтсангиз?

— Азиз маҳалладошларим, биласиз, юртимизда асримиз охиридаги сўнгги йилни «Аёллар йили» деб атадик. Ана шундай йилда хотинларнинг хоҳишини бажармасак бўлмайди. Мехринисо аянгизнинг бирдан бир орзуси янгича тўй ўтказиш. Унинг орзусини рўёбга чиқариш учун тўйга тайёргарлик кўряпман, уйланаман!

— Товба, сиз айтган катта тўй ховлида бўладими ё ресторандами?

— Аввал «Зарафшон» ресторанида, эртасига ховлимизда тўй бўлади.

— Узр, Насриддин амаки, бир қалтис савол бермоқчиман, бунақанги катта тўйга кучингиз етадими ўзи?

— Етади. Мамлакатимиздаги етти яшардан етмиш ёшгача бўлган одамлар мен тўғримдаги латифаларни айтишиб, яйраб кулишади. Уларнинг ҳар-бири менга бир сўмдан тўёна беришса, ўзимчалик хомчўт қилсам, йигирма миллиондан ошаркан. Бу пулга беш-олти маротаба тўй қилса бўларкан.

— Сўнгги савол: Мехринисо аядек ажойиб умр йўлдошингиз бўлатуриб, яна кимга уйланмоқчисиз? Қайси қиз ё жувоннинг сизга тегаман деб, кўзи учиб турганикин?

— Бу саволингизга, — деди Афанди оғзидаги носни

гиламнинг тагига ташлаб, жилмайган холда, — аянги-  
нинг ўзи жавоб берақолсин. Хой, Меҳри, бу ёққа кел,  
ўзинг тушинтир буларга!

Меҳринисо ая ийманиброк келиб, пешайвоннинг бир  
чеккасига омонат ўтирди, меҳмонлардан бири саволни  
такрорлади:

— Ая, малол келмаса айтинг, Афандим кимга уйлан-  
яптилар?

— Э иниларим! Сизларга очигини айтақолай! Ҳозир-  
ги тўйларни кўриб, ич-ичимдан зил кетаман. Нимага  
десангиз, менинг никоҳ тўйим бундан анча йил бурун  
бўлган. Катта кўқон аравада «Ёр-ёр» айтишиб, мени олиб  
келинган. Кейин Насриддин амакингиз чимилдиққа кўта-  
риб олиб кирган, холос. Шу билан тўйимиз ўтган, қўйган.  
Эндиги тўйлар-чи? Патир ушатишнинг ўзига илгариги  
тўйимиздан учтасини қилса бўлади. ЗАГСга бориш яъни  
никоҳдан ўтиш харажатига бундан етмиш йил илгари  
ўнга тўйни ўтказса бўларди. Ҳозирги тўйлар аввал рес-  
торан ё кафеда, кейин эса ховлида бўлади. Унга санъат-  
корлар бир юк машинасида чаладиганларини олиб кели-  
шиб, ўриятишади. Дастурхонга қўйилган ноз-неъматлар-  
ни асти қўяверасиз. Турли хил шарбат сувларининг ран-  
го-ранг шишаларда тизилиб туришини айтмайсизми? Ўрта-  
да ўйин тушган раққосаларга кистирилган червонлар-  
нинг ўзига иккита «Нексия» сотиб олса бўлади. Тўйдан  
кейинги чорларини сўрамасангиз ҳам бўлади. Баъзи чор-  
ларнинг ўзига икки тўйнинг харажати кетади. Ана шу-  
ларни кўриб, ҳавасим келганидан қайта қиз бола бўлиб  
қолсам, дердим...

— Бас, етар, Меҳри! — деди Афанди хотинининг  
гапини бўлиб, — энди мана шу маҳалладошларим гувоҳ-  
лигида айт-чи, шунча катта харажат эвазига бўлаётган  
тўйда бир кетворган қизга уйланайми ё яна ўзинггами?

— Вой, дадаси тушмагур-ей, ҳалиям ёшликдаги  
шўхлигингиз қолмабди-да! Сизни ўзимдан бошқага уй-  
лантириб бўлибман!

— Мана, эшитдингизми маҳалладошларим, демак, мен  
хотинимнинг орзусини амалга ошириш учун ўзига қайта-  
дан уйланмоқчиман!

Меҳмонлар гурра қулишганича ўринларидан туриш-

ди. Улардан бири, тўйгача чол-камшир гўзаллик саломига бориб, юзларингизни текислатинг, ажибларингизни дазмоллатинг, деб кўйди.

## Кулги буви

Бир йилдан бери бувим эрта-ю кеч нолийверадиган одат чиқардилар.

— Вой, белим! Вой, юрагим! Куним битибди, шекилли, болам, тайёргарлик кўринглар! Азроил нақ тепамда турибди!

Ана шунақанги ох-фиғон билан бувим бечора йил давомида ҳар куни «ўлади»лар. Бодлари оғриб, оёқларининг томири тортса ҳам йиғлаб видолашадилар, аранг илиниб турган икки дона тишларининг бири оғриса ҳам «қариндош-уруғларни йиғинглар»га тушиб қоладилар. Уйимизда ҳар куни дилхиралик, йиғи-сиғи. Нима қилишни билмай қолдик.

Бир куни газетада «Кулги умрини узайтиради» деган мақолага кўзим тушди. Уни бувимларга ҳам ўқиб бердим: «Шаҳарга бир арава дори келтиришдан кўра бир қизиқчининг келгани афзал. Кулги туфайли қанча-қанча касалликнинг олди олинади, не-не беморлар оёққа туриб кетади...» мақола бувимга ёқиб тушди, шекилли, қайта-қайта ўқитдилар.

— Болам, кулгидан бод ўлгири ҳам тузалармикин? — деб сўрадилар хаёл суратуриб.

— Албатта! — дедим рухларини кўтариб, — кулиб юрсангиз бодингиз эсдан чиқиб, чопқиллаб кетасиз, буви!

Эргаси кун ишдан келиб, кўзларимга ишонамай қолдим. Уйдагиларнинг чехраси очик, юзларида табассум.

— Нечук? — хайрон бўлдим. Болалар баравар чувиллашди:

— Бувим куляптилар, қизик латифаларни айтяптилар!..

Ўша куни хонадонимизга баҳор кулиб бокқандай эди. Бувимнинг «додвой»лари кулгига алманганди. Суюнганимдан магазинма магазин кидириб юриб, «Афанди латифалари» китобини топиб келдим, бувимнинг қўлларига тутқаздим.

— Бу кулдирадиган китоб, бувижон, мана шу кулги доридан қолган барча дардларингиз ҳам шифо топади.

— Афанди китобими? — Бувим илжайиб қўйдилар. — Назаримда бод курғур, сал-пал кетганга ўхшайди. Аммо, оёғимнинг томир тортиши қолмаяпти-да!

— Невараларингиз мана шу китобни ўкиб беришса, томир тортиши ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Тиш оёғингиз-чи? — сўрадим бувимдан.

— Иссиқ чой ичсам, салгина зиррилаяпти...

Ўша-ўша бувим кулмайдиган одамларни латифа айтиб кулдирадиган бўлдилар. Ҳар куни васият қилиб, инглайдиган бувим энди кулгидан бўшамай қолдилар. Олдиларига ким келса бир кулмай кетмайди. Шу боисдан кўни-қўшнилари ҳам у кишининг отларини аташмай, «Кулги буви» дейишадиган бўлганлар.

Ўтган куни нонушта пайтида бувимга ҳазилладим:

— Бултур ҳар куни тепангизда турадиган Азроилни ҳам кулги билан келмайдиган қилиб юбордингизми, дейман, буви?

— Азроил, дейсанми? — бувим бир хўрсиниб қўйдилар. — ўша Азроилга айт, ўладиган бувим йўқ, дегин! Шундай ажойиб, мустақил замонда ўйин-кулги авжида бўлиб турса-ю, ким ўламан, дейди! Кулги ўлимни қуваркан, болаларим!

Бувимнинг бу гапларига ҳаммамиз бараварига гурра кулиб юбордик.

## Ачиниш

Фермерлар йиғилишида мол дохтири Убайдулла Қўзиевга «Тико» енгил автомашинаси мукофот тарикасида берилишига қарор қилинди.

— Йўқ, менга «Тико» тўғри келмайди! — деб қолди Убайдулла дабдурустдан ўриндан туриб.

— Унда «Нексия» тўғри келар? — кесатиб сўради хайъат раиси.

— «Нексия» ҳам керакмас, яхшиси менга аравачали мотоцикл беринглари, яйловга боришимга қўл келади.

Қўзиевнинг таклифи ҳаммага маъқул тушди. Унга аравачали мотоцикл бериладиган бўлди, кўпчилик уни

табриклади. Аммо, ёнида ўтирган хотини бирданига ўзгарди қўйди. У то уйга боргупича ковоғини осилтириб, эрига лом-мим демади.

— Сенга нима бўлди, онаси? — сўради Қўзиев уйга етиб боришганида.

— Билиб туриб сўрайсиз-а? Шундай «Тико» нақд турганида, мотоциклга бало борми?!

— Сен кетини ўйламайсан-да! Ўзинг биласан, ферма-ю отарларга борганда, аввало қуруқ қайтмайман. Насибамизни териб келишга «Тико» сира ярамайди, бу томонини бир ўйлаб кўр!

— Уёқ-буёққа меҳмондорчиликка боришимизни ҳам ўйлайсизми? Қачонгача тўйларга тоғора кўтариб, яёв бо-раман!

— Ҳозир насиба териладиган мавсум. Шундай пайт-да меҳмондорчиликка нима бор! Уйда ўтир, олиб келганларимни сарамжон-ла!

— Насибангиз курсин, «Тико»да сайр қилсам, бундоқ кўкрагимга шамол тегармиди, дегандим-да! Аттанг, ўлжани қўлдан бой бердингиз!

— Ҳар бир иш расамати билан, дегандай, аввал мотоцикл, кейин «Тико», ундан кейин эса «Нексия» ҳам бўлаверади. Ачинма, хотинжон! Тўй-пўй бўлса мотоциклда ҳам бораверамиз!

Шунча гапдан кейин ҳам хотинининг қовоғи очилмаганидан Убайдулла Қўзиев «Уф-ф!» деди-ю, кўчага чиқиб кетди. Унинг кетидан хотини югуриб бориб, кўча эшикни қия очиб, чақирди:

— Ҳой дадаси, қаёққа кетяпсиз, бугун синглингиз кизини узатаётганлиги эсингиздан чиқдими?! Қани, мотоциклни тириллатинг!

## Тепки

Тун бўйи Низом Пардаевич алахсираб чиқдилар, баданларида салгина иситма ҳам бор эди. Эрталаб кўзгуга қарасалар бир ёқ юзларининг пастки томони андак шишган кўринди.

— Ҳой Манзура, бу ёққа қара! — чақирдилар рафиқаларини.

— Нима дейсиз, дадаси?

— Ўнг юзининг насти шишибди, шу томондаги милкларим ҳам қақшаб турибди, бир сен ҳам кўр-чи?

— Қани, эх-ха! Тепки бўлибсиз, дадаси, тепки!

— Тепки, дейсанми? Давоси нима экан?

— Давоси, эгиз тукқан аёлга ўша шишган юзингизни теңдирасиз-да!

— Умримда биров мени чертмаганди, энди қандайдир аёлга теңдирайми?

— Ирими шунақа, бўлмаса тузалмайсиз. Нима кўн, нишонангизда кондуктор аёллар кўн. Ўшалар орасида битта-яримтаси эгиз тукқандир. Хонангизга чақиртириб, ими-жимиди иримини қилиб қўй, денг!

Понуштадан кейин Низом Пардаевич эпиқда кутиб турган машинага ўтирдилар-да, йўлда шишган юзларини сийпалаб туриб, ҳайдовчи йигит Алижондан сўрадилар:

— Сен биларсан, автокорхонамизда Ҳасан-Ҳусан тукқан аёллар бормикан? Тепки, деган дардга йўлиқибман. Ўшанақанги аёл сал иримини қилиб, теңиб қўйса тузаларкан.

— Билмадим, суриштириб кўраман.

— Яна тепки бўлганими айтиб суриштирмагин, шунчаки ўзим, дегин...

Тушга яқин Алижон Назокатхон деган ўрта яшар бир кондуктор аёлни директорнинг хонасига бошлаб кирди. Уни кўриб, Низом Пардаевичнинг капалаги учиб кетди. Нега деганда, олдинги ҳафта бу аёл кунлик режани бажараолмагани учун кўнчилик ўртасида огоҳлантирилганди. Директор ундан тушунтириш хати олганди.

Директорнинг ранг-рўйи оқариб кетганини кўриб, Алижон тушинмай, ўзинчалик ялпизлай кетди:

— Низом ака, чўчимаг! Бу онам иримини қилиб, шишган юзингизга сал оёқларини теккизарканлар, холос. Мен ҳаммасини тушинтирдим.

— Қўркманг, сиздан бошқа тепки бўлганларни ҳам теңиб, тузатганман, — деб қўйди зўрма-зўраки илжайиб, кондуктор аёл, бўйнидаги осиелиқ хизмат сумкасини олиб, ёнидаги курси устига қўяркан.

— Майли бошланг, — дедилар паст товушда. Директор ноилож бошларини столи устига қўйиб, кўзларини



юмдилар. Аёл эса ўнг оёгидаги туфли, пайпоғини ечиб, стол устига чиқди. Алижоннинг бир кўлидан ушлаб туриб, «Мен тепдим сен қайт! Мен тепдим, сен қайт!» деб, оёғи панжалари ва товонини шишган юзга текказди. Директор тепкининг назари, дегандек битта юзталиқини чўнтақдан чиқариб, аёлга узатдилар. Аёл эса жилмайиб туриб деди: — Кечаги кунлик режага ҳам юз сўм етмай турганди, берган назирингизни қўшиб топширмасам, бу сафар ҳам тушинтириш хати ёзишимга тўғри келади, илойим дардингиз арасин, омин оллоху акбар! — деб фотиҳа килди.

Аёлнинг гаплари директорнинг ўзига каттиқ росмана тепкидек туюлди.

### **Тагин апелсинми?**

(бўлган воқеа)

Улфатлар йиғилишиб, Хасаннинг уйида торт-тортни авжига чиқаришди. Ана шу пайтда дўсти Баён келиб қолди. У кеч қолганидан ийманиб, бир чеккага ўтирмакчи бўлганида Хасан лукма ташлади:

— Бундок, дўстлар билан сўрашай ҳам демайсан-а? Нима, бизларни менсимай кўйдингми!

— Кеч келдим, сизларни безовта қилгим келмади, — деди Баён узрини айтиб.

— Ха, майли, сўрашмаса сўрашмасин! Бир унинг моторини қиздириб кўяйлик, кейин ўзи сўрашаверади, — деб косагуллик қилаётган Садир унга пиёлани тўлдириб узатади. Баён чўнтагидан машинасининг қалитини олиб кўрсатади-да «Уэр, оғайнилар, рулдаман!» деди. Хона тўрида ўтирган Турғун ўрнидан дик этиб туриб, дастурхон ўртасида турган вазадаги апелсиндан биттасини олди-да, Баённинг ёнига келиб ўтиради.

— Дўстим, биламан, ҳозир кўча ҳаракати ҳавфсизлиги ойи, аммо, мана бу нарса ҳар қандай хушёр автоинспекторни ҳам чалғитиб юборади. Ичган оқ сувингнинг бадбўйини бунинг хушбўй ҳиди миңус-пилус қилиб юборади. Биласан, мен ҳам рулдаман.

— Ха, майли, сазангиз ўлмасин, — деб Баён пиёла-

чани олиб, ундаги ичимликни сипқариб юборади-да, Турғун хозирлаб турган апелсиждан бир бўлагини олиб, ея бошлайди. Косагул унинг кўлидан пиёлани олиб, яна куйиб, узатади:

— Баён дўстим, буписи кеч келганинг учун жарима!

— Буёғига энди бўлмайди!

— Бўлади! — дейди Турғун бир бўлак апелсинни унга тутиб, — кўркма!

— Кўймадинг Турғун, майли оламан, шу билан жуфт бўлади, тамом! Бошқа бермайсизлар, — дея Баён тўла пиёладагини бир қултум сувдек ютиб юборди. Шундан кейин қистовлар кўнайиб, хамманинг кайфи ошиб қолади...

Эртасига чошгоҳда Ҳасанни хотини туртиб уйғотади: — Хой, дадаси, кўзингизни очинг, Баён дўстингиз касалхонадамиш, ўғли телефон қилди!

Хотинининг гапи Ҳасаннинг кулоғига игна бўлиб санчилди. У лип этиб туриб, улфатларининг хаммасига кўнғироқ қилди. Ўша куни барча улфатлар жам бўлишиб, Баён ётган хонага оқ халат кийишиб, уни кўргани киришади. Баён енгил жароҳат олибди. Бир қўли билан боши оқ дока билан боғланган эди.

— Хайрият, бошинг омон экан, апелсин асрабди, — деди Садир кўлидаги қоғоз халтачадаги апелсинни тумба устига куйиб.

— Яна апелсинми?! — Баён башарасини бужмайтирди, — кўтар уни!

## Тизгин

Бош судья иш жойига арз билан келган сочлари оқара бошлаган аёлдан унинг гапларини ўз оғзидан эшитиш учун сўради:

— Қани айтинг-чи, Сора буви, ўғлингиз билан келинингиз ўртасидаги жанжал қачон бошланган?

— Анча бўлди, бошланганига. Тўйдан кейин бир ойча ўтди. Бундоқ кузатиб кўрсам, келиним бидир-бидир килаверади. Ўғлим шўрлик оғзига талқон солиб ўтираверади. Бундай бидирлаш кўпинча қудачам келиб-кетганидан кейин бошланади. Менимча, қудачам қурғур келганида кизи-

га бўш келма, эрингни гаҳ деганда кўлингга кўнадиган қилиб ол, деб айтадигандир-да! Шошмай тур, сенларни, дедим. Ўғлимни келиним онасиникига кетган куни секин ёнимга чақириб, қулоғига қўйдим:

— Ҳой болам, хотинга бунақанги тизгинингни бериб қўйма! Бўлмаса, елканга мишиб олиб, ўзингни мулла минган эшакдек қилиб олади!

Шундан кейин ўғлим тизгинни қўлига олди. Шанғилиги, бидирлашлари қолиб, келиним ўғлимга қулоқ соладиган бўлди. Эртаси кун ўғлимга:

— Энди бўш келма, тизгинни маҳкам ушла! — деб далда бердим. Ўғлим борган сари кучайиб, келиннинг таъзирини бераверди. Шу орада қудачам меҳмонга келиб кетганди, келишим яна тилини қайрай бошлади. Аста-секин у ўғлим билан баравар олишадиган бўлди. Нимасини айтай, судья ўғлим! Аввал бошда келиним бақирса ўғлим индамай эшитиб ўтираверарди. Кейин ўғлимнинг дағ-дағасини келиним эшитадиган, мулојимгина бўлди. Энди бўлса икковининг бутун бақирӣқ-чақирӣғини бир мен эмас, бутун маҳалла эшитади.

Судья инижоним, сиздан илтимос, келинимни ҳам, ўғлимни ҳам хонангизга чақиртириб, онангнинг айтганини қилларинг, бўлмаса икковининг ҳам қаматвораман, деб кўрқитиб қўйсангиз. Шундай қилсангиз, икковининг тизгини менинг қўлимга ўтиб, жанжал тўхтайти, қўяди.

— Йўғ-е! Ҳар холда, — судья хулоса чиқарди. — Сора буви, ишни сиз билан қудачангизни тизгинлашдан бошланга тўғри келяпти, бўлмаса ёш оила барбод бўлади!

— Кўйинг-е! Унакамасдир!

— Ҳа, шунақа! Уйингизга бориб, яхшилаб ўйлаб кўринг!

Ўша куни Сора буви судья олдидан келиб, келини билан ўғлига тикилиб, қараб қолди.

### Нозикнинг нози

Янгалари келишувига биноан Нозикхон билан Рустамжон истироҳат боғи дарвозаси олдида учрашадиган бўлишди. Қиз томондагилар йигит томонни кутиб туришарди. Яп-янги мошранг «Жигули» сайилбоғ дарвозаси



олдида тўхтади. Рулда ўтирган Рустамжон аввал машинадан тушди-да, орқа эшикни очди. Уларни дарахт панасида янгаси билан кузатиб турган Нозикхоннинг юраги энтикиб кетиб, «Машинаси ян-янги экан», деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Куёв бўлмиш ҳам чиройли, хушбичим йигит, деб қўйди янгаси, кейин у йигитнинг янгаси олдига бориб, гаплашиб қайтиб келди.

— Нозикхон, унинг олдига боринг, машинасида айлангириб келади. Мен янгаси билан шу ерда сизларни кутиб тураман.

— Майли. — деди Нозикхон янгасига паст овозда, кейин астагина одимлаб, қуёш нурида ялтираб турган машина томон йўл олди. Рустамжон «Жигули»нинг олдинги эшигини очиб, Нозикхонга «ўтиринг» ишорасини қилди. Сўнг рулга ўтириб, газни босди. Анхор киргоғидаги хиёбонга бориб, салқин жойда тўхтади:

— Менга ёқдингиз, сиз нима дейсиз? — кизариб бўзариб сўради Рустамжон Нозикхонга майин товушда.

— Сиз нима десангиз... — сал илжайиб қўйди Нозикхон.

— Демак, келишдик-а?

— Келишдик, — деди ерга қараб туриб Нозикхон. Шундан кейин Рустамжон машинанинг орқа ойнаси тоқчасида турган қоғозга ўроғлиқ бир кийимлик ялтирок атласни олиб, Нозикхоннинг қўлига тутқазди:

— Энди борайлик, янгаларимиз зерикиб қолишмасин, — деб машинасини орқага бурди. Улар қайтиб келишганда Нозикхоннинг қўлидаги қоғозга ўроғлиқ атласни кўрган янгалар бир-бирларига маъноли жилмайиб қўйишди.

Орадан кўп ўтмай патир ушатиш маросими бўлди. Қиз билан йигит никоҳ уйига бориб, ариза беришди. Келинга олинадиган кийим-кечакларга Рустамжоннинг бир оз пули етмай қолди. Таниш-билишлардан қарз сўради. Аммо, қарз берадиган мард топилмади. Уйдагилар билан маслахатлашиб, машинани сотди. Унинг машина сотганини кимдир Нозикхонга етказибди. Ўша куниёқ Нозикхон никоҳ уйи мудирасига бориб, «Аризамни берсангиз, у билан турмиш қуролмайман» дебди.

- Нега ундай дейсиз, бирор сабаб борми?
- Бор, ахмоқ бўлмаса яш-янги машинасини сотадими?
- Қизик, сиз унинг машинасини севармидингиз, ё...
- Ха! Сиз айтганчалик машинасини!
- Товба! Унда мана аризағиз!

## Эпчил

Кўшни маҳаллада турадиган бир танишим бор, уни маҳалладошлари исмини айтишмай, «Эпчил» дейишади. Асли исми Нормирза. Нега унга маҳалласидагилар бундай лақаб беришганига хайрон бўлиб юрардим. Бултур Нурилло деган ошнамга пул зарур бўлиб қолиб, янги олган «Москвич» машинасини арзонга менга сотмоқчи бўлди. Озрок пулим етмаётганидан Нормирзадан қарз бериб туришини сўрадим.

– Уйга бориб кўрай, — деди-ю, оёғини қўлига олиб югуриб кетди. Орадан уч кун ўтса ҳам ундан дарак бўлмади. Охири машина сотмоқчи бўлган Нуриллонинг уйига бордим.

– Дўстим, машинагни олишим учун озрок пул етмаяпти, агар рози бўлсанг, бир ой ичида қолганини топиб берардим. Машинанг бегонага қўлдан кетмасин, сен ҳам зарур бўлганда ишлатиб турардинг.

– Нима деясан ўзи? Нормирза деган ошнамга сен олақол, машина бегона бўлмасин, деб айтибсан-ку?! У ўша куннинг эртасигаёқ олиб кетиб, Муллаев деган амакиси номига расмийлаштириб қўйган.

– Йўғ-е! Мен ундан озрок қарз бериб туришини сўрагандим, холос.

– Ўб-бў, эпчил-ей! Эшитишимча, ҳатто машинани бировга ошиқчасига пуллаганмиш ҳам. Маҳалладагилар бекорга уни «Эпчил» дея аташмас экан. Балким, шунақанги чаққонлигини ҳисобга олишгандир. Сенга ўхшатиб, бир-икки кишининг шўрини қуритгандир...

Ўша-ўша Нормирзага бирор гап айтмайдиган бўлгандим. Тунов кун у уйимга юзингда бетинг борми, демай кириб келди. Гап орасида ўсмоқчилаб, қандай янгиликлар бор, деб сўради. Сен эпчилни бир болай дея, ўйлаб, унга керакли «янгилик»ни айтдим:

— Оғайни, ҳамён касалрок. Бўлмаса, Самарқанднинг Челак деган шаҳрида яшайдиган Убай тоға ўғлини уйлантирадиган бўлиб, яп-янги «Тико»сини менга сотмоқчи, тўйга икки юзминг зарур экан, уни олишга қўлим калтадик қияшти, тоғам «Сен олгин жиян, бегона бўлмасин» дедилар. Қарз тополмай, гарангман!

— Тоға шаҳарнинг қаерида турадилар? — қизиқиб сўради Нормирза.

— Шундоқ, туман суди жойлашган бинонинг ёнгинасида. Убай тоға деса ҳамма айтиб беради.

— Унда дўстим, пул топиб, машинани қўлингга олиб келиб бераман. Биламан, сен мендан хафасан, энди ўшани юваман!

Эшитишимча, маҳалласидагилар ҳам уни менга ўхшатиб, лақиллатишиб, аламини олишганмиш.

## Совчи-овчи

(қизлар ўқимасин)

Эргалабки понушта пайтида Халима хола ўғли Абдусатторга лукма ташлади:

— Хой ўрлим, тоқай қўлим косов, сочим супурги бўлади. Бундоқ ўртоқларингга ўхшаб, сен ҳам уйлашин. Мен ҳам келиннинг хизматини кўриб, қувонай... Нега индамайсан? Маҳалламизда Жўравой ака, Шурмат муаллимларнинг қизлари бор. Ўшаларга бориб кўрайми?

— Қўйинг, улар бўлмайди.

— Бўлмаса ким бўлади, ё тоғангнинг қизини...

— Қўйинг, бўлмайди.

— Унда ўзинг айт, қаерга борайин, қийналиб кетдим, ахир!

— Узун терак маҳалласини биласизми?

— Биламан, шмайди?

— Ўша ердаги Ашурвой ака деганникига бориб кўринг.

— Бўпти, бугуноқ бораман! — деб Халима хола дастурхошни ҳам йиғиштирмай, суюганидан совчиликка боришга тайёргарлик кўра бошлади. Дам олин қуни бўлгани учун Абдусаттор уйда қолди...

— Келақолинг, айланайлар! — деди совчиларга Нури опа, — кизимиз бор экан, келибсизлар, қани уйга кинглар!

Ҳаммасқ сарамжон-саришталигини қуриб, Ҳалима хола атрофга алапглаб, ич-ичидан ўғлининг таилагани қўнглидагидеклигидан суюнарни. Улар уйда ўтиришганида диладаги гапни айтишди.

— Тугунимизни ечинг, — дейишди Нури онага.

— Йўқ, аввал суриштириб билай. кизим нима дейди. Сизлар еб-ичиб туринглар, — деди-ю, нариги уйда бутун вужуди қулоқ бўлиб, эшик тиркишидан қараётган Зулфиянинг олдиға борди:

— Қизим, совчилар келишибди. Абдусаттор деганинг онаси экан, ўзинг танирмишсан. Айт, нима дейин?

Онасиға индамай, бир ўрим сочини ўйнаб, Зулфия ерга қараб тураверди.

— Ростдан танийсанми, ўшани?

— Танишроқ, — деди киз паст товушда.

— Унда нима дейин, гапир!

— Манави шеърни ўқиб, жавоб килинг, — деди-ю, Зулфия ичкари уйға кириб кетди. Нури опа эса шеърни ўқиб, совчилар ёниға бориб, эшитинглар, деди:

*Уйимизға совчи келибди.*

*Совчи эмас, овчи келибди.*

*Ҳаяжондан титрайман дир-дир,*

*Онам дейди: — Булақол, гапир!*

*Қандай айтай, майли, деб очиқ, —*

*Ахир уят ўлимдан қаттиқ.*

*Совчи юбор, деган ўзимман,*

*Уяламан, ҳатто, ўзимдан!*

Шеър мазмунидан суюнишганидан совчилар қарсақ чалиб юборишди. Улар келтирган тугунни Нури опа жилмайган холда еча бошлади.

### **Юқумли ҳазил**

Хонаға соч-соқоли ошпоқ, юзидан нур ёғилиб турган бир мўйсафид киради. Унинг анкетасини қўздан кечириб

турган оқ халатли Тўракул Шойимов қарияга ўтириш учун жой кўрсатади. Ўзи қулоғига фонендоскоп ичаги учини тикиб, гап бошлайди.

— Ў6-бў, отахон-ей! Мазангиз қочибди-да! Қани, оғзингизни очиб, «А-а-а!» денг-чи? Тушунарли, тушунарли. Тишларингиз ҳам тамом бўлибди. Майли, бунинг давоси ҳам бор, қизим тилла тиш қўядиган доктор. Энди, нафас олишингизни ҳам текширамыз, чуқур нафас олинг. Эҳ-ха! Чаток! Қон босимингиз кучайиб кетибди, тезда давосини қилиш керак. Қидирсак, яна кўп касалингиз чиқадиганга ўхшайди, отам!

— Дўхтир болам, бошқа касалим йўқ, фақат кўзим тиниб, сал бошим айланяпти.

— Тушунарли, отахон! Ёмон дардга чалинибсиз, олдини олмасак бўлмайди. Ҳа, айтгандек, карточкангизга «фермер» деб ёзилибди, нимага фермерсиз, шу ёшда отахон?

— Оилавий ферма очганман. Бултур ўн беш сигирим бор эди, бу йил йигирма бешта бўлди, ҳар куни тегишли жойларга сут жўнатиб тураман.

— Тушунарли, отахон. Демак, нафакага чиқсангиз ҳам тинч туролмабсиз. Яшанг, отахон! Ҳозир фермерларнинг даври келган. Даромадингиз ҳам чаккимасдир. Соғлиқ керак, отахон! Мол-дунё топилаверали. Энди, отахон, сизни касалхонага ётишга ёзиб берсам, анча қийналасиз, Ҳозирги кунда касалхоналар ҳам пуллик бўлган. Пуллик бўлгани билан беморларга қараи халигидай. Энди сизга маслаҳат шуки, сизни ўзим даволайман. Ҳар куни келиб турсангиз бўлгани. Машинангиз бордир?

— Бор, ўзим хайдайман.

— Дуруст, дуруст! Шу ёшда машина хайдашнинг ўзи бўлмайди, отахон! Энди, дориларни ёзиб берсам, ҳозирги кунда шахсий дорихоналар кўпайиб, бирни ўнга пуллашяпти. Яхшиси, дориларни ҳам ўзим топаман.

— Харажати қандай бўларкин?

— Э отахон, от билан туя бўлармиди? Жуда нари борса бир сигирнинг пули-да! Соғлигингиз учун ҳеч нарсани аяманг. Энди, отахон, сўрагани айби йўқ. Ўғилларингиз ҳам сизга қарашиб туришадими?

— Катта ўғлимдан бошқа беш ўғлиму келинларим



ёрдам беришади. Келаси йили сигирлар сонини ўттиздан ошириш режамиз бор.

— Гайратингизга балли, отахон! Қари билганини пари билмайди, деганлар. Илойим ниятингизга етинг. Қуни кеча кишлок марказида фабрика ташкил қилиб, бойиб кетган сиздек бир одамни даволагандим, кетаётганида қўярда-қўймай чўнтагимга ипирма минг солиб қўйди. Қўйинг, доридармонлар ёнингиздан бўлди, десам ҳам қўймади. Ана шунақа, шифо топанлар биздан хурсанд бўлиб кетишади, отахон!

— Бояги гапингизга қараганда мен бир сигирнинг пулини...

— Харажатдан гапирманг, кундалик дориларнинг пулини бериб турсангиз бўлгани. Айтгандай, катта ўғлингиз нега сизга қарашмайди, ё ногиронми?

— Нега ногирон бўларкан, у туман прокурори-ку!

— Тушунарли, тушунарли. Қани, яна оғзингизни очиб, «А-а-а!» денг-чи? Тушунарли, отахон! Отдай сонша-соғ-сиз. Салгина шамоллабсиз. Қайнатма жўжа шўрва ичинг, терласангиз, ҳеч қандай дори-дармонсиз тузаласиз, қўясиз. Отахон, халиги гапларни катта ўғилга айтиб юрманг, шифокорлар беморларни шунақанги хазил-хузул гаплар усули билан ҳам даволайдилар. Бу бор гап.

— Ўғлим, бу ҳазилингиз юқумли экан-да! Нега десагиз, бир ой бурун тишим оғриб, бир тиш дохтирига боргандим, у ҳам худди шунақанги хазил қилганди-да!

— Йўғ-ғ-е!

## ИНТЕРМЕДИЯЛАР

### Китобсевар ошиқ

Й и г и т: — Кечирасиз, яхши қиз, кутубхонангиз дам олиш кунлари ишлайдими, йўқми?

Қ и з: — Ёпиқ бўлади, ўша қуни мен ҳам дам оламан.

Й и г и т: — Унда, агар хўп десагиз, ўзим кишлок йигити бўлганим учун отамдан қолган далаларга сайр қилдириб, сизни айлантриб келардим, машина бўлса бор.

К и з: — Ўб-бў сиз-ей, гапни узоқдан бошламай, истеъдодли ёш ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романини ўқимокчиман, деб қўяқолмайсизми? Марҳамат олинг, кутубхонамизда ўз-ўзига хизмат: 6-қатор, 1-жавонда турибди, бу асар кино ҳам бўлганидан хабарингиз бордир.

Й и г и т: — Мени тушулмадингиз шекилли, дунёнинг ишлари дегандай...

К и з: — «Дунёнинг ишлари» деган китоб ҳам бор, Ўткир Ҳошимов асари, 4-қатор, 2-жавонда.

Й и г и т: — Азизам, ахир...

К и з: — Бўлди, тушунарли, жаҳон адабиёти бўлимида Мопассаннинг «Азизам» асари, ўқинг, жуда ажойиб асар, 1-жавон, 2-қаторда!

Й и г и т: — Тушунсангиз-чи, ахир, мен сизга чин мухаббат...

К и з: — Тутоқманг, бу асар ҳам бор. Ёзувчи Одил Ёқубов асари, 1-қатор, 1-жавонда турибди.

Й и г и т: — Узингиз бундок ўйлаб кўринг, гап инсон тақдири устида кетяпти, сиз бўлсангиз...

К и з: — Ўйлаб кўришнинг ҳожати йўқ, Михаил Шолохов асарини эслаяпсиз, «Инсон тақдири» китоби шундокқина 2-қатор, 1-жавонда, ола қолинг.

Й и г и т: — Биляпман, сиз ҳазил қилган бўлиб, мени аслида гирдобга ташлаяпсиз, шунчалик ҳам бўладими?

К и з: — Бўлди, бас, бўғилманг! Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб»ини айтаяпсиз. Бориб қараи, 3-қатор, 1-жавон.

Й и г и т: — Менинг қисматимга бунақанги енгил қарамаи, севги...

К и з: — Бу айтганингиз туркман адабиёти, яъни ёзувчи Хидир Деряевнинг «Қисмат» асари, 2-қатор, 2-жавонни кўринг.

Й и г и т: — Сезиб турибман, ўйин қилмай қўя қолинг, исмингизни ҳам билиб олганман, исмингиз Жамила! Йўқ деманг, дам олиш кунини...

К и з: — Ёзувчи Мирмуҳсиннинг «Жамила» қиссасини айтаяпсиз, шекилли, бу китоб ҳозир бошқа китобхон қўлида, кидириб овора бўлмаи!

Й и г и т: — Сизда ўзи диёнат борми, Жамилахон?

К и з: — «Диёнат» бор, Одил Ёқубов асари, 1-қатор,

1-жавонда. «Жамила»ни эса сиздан бўлак китобхон аллақачон олиб кетган, дедимку, боя!

Й и г и т: — Шу гапнигизни очик-ойдин аввалроқ айтмайсизми, демак, унаштирилган экансиз-да! Мен бўлсам, қирқ беш кундан бери кутубхонага келиб, кетиб юрибман, овораи-сарсон бўлиб айникса уйқусиз тунларимни айтмайсизми?

Қ и з: — Гапни чўзманг! Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун», қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергановнинг «Уйқусиз тунлар»и ҳам бор. Ҳар иккала китоб 1-қатор, 1-жавонда турибди.

Й и г и т: — Аттанг, кеч қолибман-да! Ўзингиз ҳам кўзга яқин олмос қизсиз.

Қ и з: — Ёзувчи Ҳамид Фуломнинг «Олмос қиз» асарини айтяпсизми, бу китоб ҳам 1-қатор, 1-жавонда, олаверинг!

Й и г и т: — Ҳа майли, кетдим, агар ҳазиллашиб, мени алдаган бўлсангиз, шу ердан ўтадиган автобуснинг сўнгги бекатида тураман, бориб айтарсиз!

Қ и з: — Ҳозироқ айтақолай, Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекати»ни ўқимоқчи бўлсангиз, 4-қатор, 1-жавонда, олаверинг!

Й и г и т: — Хайр энди, «Ваъда вафоси билан» деган китоб чиққанида келарман.

Қ и з: — Майли, ихтиёрингиз. Мен ҳам исмингизни яхши биламан, Ғафур ака! Келиб хабар олиб туринг.

Й и г и т: — Қизик, унда Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи»сидаги Жамилани қўлдан бой берган Ғофур бўлибман-да!

Қ и з: — Билмадим, сиз ҳам ўйлаб кўринг, мен ҳам. Ҳозирча хайр!

(П А Р Д А)

## Вақтинча одам

«Қадрлар бўлими» деб ёзиб қўйилган хонага бир йигит киради.

Й и г и т: — Ассалому алайкум! Менга вақтинчалик бирор иш бўлса ишлаб турмоқчи эдим.

М у д и р: — Доимий иш бор, ишлайверинг.

Й и г и т: — Йўқ, вақтинчалик бўлса яхши бўларди-да!

М у д и р: — Қизик, ха майли, қанақа касб эгасиз?

Й и г и т: — Бир йигитга қирк хунар оз, деганларидек, касбим кўп. Хар қандай иш қўлимиздан келаверади.

М у д и р: — Укажон, хозирча вақтинчалик иш йўқ, бирор ходим касал бўлиб қолса ё декретга чиқса чакирармиз. Қани, меҳнат дафтарчангизни кўрай. (Йигит дафтарчасини узатади) Вой-бу! (Мудир дафтарчани варақлай бошлайди) Бирор жойда ёлчителиб ишламаган кўри-насиз.

Й и г и т: — Менга шунақанги вақтинча ишлаш ёкади. Нега десангиз, жавобгарлиги бўлмайди-да!

М у д и р: — Ажабо! (Дафтарчадаги ёзувларни ўқий бошлайди) Вақтинча гардеробчи, вақтинча ўқувчилар вожатийси, вақтинча водопроводчи, вақтинча монтер, вақтинча кутубхоначи, вақтинча паттачи, вақтинча коровул, вақтинча кондуктор, вақтинча фаррош, вақтинча бичиқчи... хуллас, ҳаммаси вақтинча экан, укам. Қирк хунарининг эмас, минг хил касб эгаси экансиз. Қойил, вақтинча одам!

Й и г и т: — Яна бошқа билмаган касбим бўлса уни ҳам секин ўрганиб олавераман. Ўрганишдан сира эринмайман.

М у д и р: — Ха майли, укам, нима ҳам дердик! Уйингизда телефон бўлса ракамини айтинг, вақтинча жой бўлиб қолса хабар қиламиз.

Й и г и т: — Телефонимиз вақтинча эди, қўшнимиз курортдан қайтиб келгунича ундан фойдаландик, энди йўқ.

М у д и р: — У ҳолда уй манзилингизни ёзиб колдиринг, хат орқали маълум қилармиз.

Й и г и т: — Бу ҳам йўқ, вақтинчалик бир кариндошниқида яшардик, рухсатномамиз ҳам вақтинча эди, мухлати тугади. Хозир уй кидиряпмиз, вақтинча ижарага. Яхшиси, бирор ойдан кейин ўзим хабар оларман.

М у д и р: — Бўлмайди, мен яна ўн саккиз кун ишлайман, бу лавозимда вақтинча ишлаб турибман.

Ў и г и т: — Тушунарли, вақтинчалик мудир ака!

(ШАРДА)

## Нексияхон

(Бўлган воқеа)

Х о т и н: — Хой, дадаси, бўлди бас, етар! Бу уйда ё кундошим турсин, ё мен турай! Жонимга тегиб кетди!

Э р: — Ўшқирма! Ўшқангни бос! Олаверинг деб, ўзинг айтгансан! Розилигинг билан олганман! Энди жонингга тегиб қолдим!

Х о т и н: — Олаверинг, деган бўлсам, айтгандирман! Аммо, бира тўла унга кўрпа тўшак қилиб, ётиб олинг, демаганман!

Э р: — Ахир, у хам сендақа! Кам-кўстига қарамасам, аразлайди, қўяди!

Х о т и н: — Вой аразламай, қаро ер ютсин! Турганбитганлари чиқим-а!

Э р: — Юртимизда оила йили, аёллар йили бўлиб ўтди. Унақа қарғама, хар холда хизматимизга яраб турибди, чиқимига чидамасак яхши бўлмайди, яхши гапир!

Х о т и н: — Ана шунақасиз, доим ўшани дейсиз а! Уни оламан деб, тилла балдоғиму олтин билакузук, зиракларим қолмади, ҳаммаси ўшанга кетди! Энди яна ўша кундош ўлгурга қизил бахмалдан энгил тикдиришга бало борми! Дод, бу кундошнинг дастидан!

(Шу пайтда бу вала-ғовурни эшитиб турган кўшни хола ҳовлига киради)

Қ ў ш н и: — Хой кўшнижон, сизларга кўз тегдими, нима жалжал ўзи? Хой, ўғлим, попукдай-попукдай одобли беш ўғил-қизингиз бўлатуриб, уйланишингизга ўлайми!

Э р: — Қўшни хола, нима деяпсиз, гапингизга тушинмай қолдим.

Қ ў ш н и: — Тушунмай қолганмишлар, гулдек хотинингиз бўлатуриб-а?

**Хотин:** — Холажон, улаканги тухмат қилманг!

**Эр:** — Иситмангиз йўқми, нега алахсираялсиз, хола!

**Қўшни:** — Нега тухмат киларканман, нега алахси-  
рарканман, икки кундан бери «Кундошдан дод!» деган  
овозни эшитаман-а? У канака кундош, қаерда яшириниб  
ўтирибди?

**Хотин:** — Эҳ ха! (кулади), «Кундошим» хув ана,  
гараждаги «Нексия» хон!

**Эр:** — Мен янги олган машинамизни эрта-ю кеч  
ювиб, караганим учун келинингизнинг рапки келиб, унинг  
номини «Кундош» қўйиб олган.

**Қўшни:** — Ие, гап бу ёқда денглар-а! Кундош  
бўлса ҳам Нексияхон бахтингизга бор бўлсин!

(ПАРДА)

### **Навбатдаги ёлгон**

(Бошлиқ ўз хонасида ўтирибди. Хонага Садир киради)

**Бошлиқ:** — Келинг, келинг!

**Садир:** — Чакиртирган экансиз?

**Бошлиқ:** — Бугун яна тушгача ишга келмадин-  
гиз. Ўтган кун батамом кўринмадингиз. Ўзи нима гап,  
прогулчиликни тугатасизми, йўқми?

**Садир:** — Жон ука, аввал сабабини сўранг, мен  
сира ҳам прогул килмайман. Прогулчиларни ўзим ҳам  
ёқтирмайман.

**Бошлиқ:** — Унда нега бир кун ишда бўлсангиз,  
бир кун кўринмайсиз?

**Садир:** — Мудиримизга айтганман, хаммаси са-  
бабли.

**Бошлиқ:** — Қани, нималарни айтган экансиз?  
(Котибага бўлим мудирини Шариповни чакиришни буюра-  
ди). Шундай деиш, демак прогулчи эмассиз.

**Садир:** — Шундай. Мудиримиз (эшик очилиб,  
Шарипов киради), ана ўзлари ҳам келдилар.

**Бошлиқ:** — Шавкат Шарипович, қани айтиш-чи,  
Садир ака бир кун ишда кўриниб, бир кун кўринмай  
қоладилар. Сабаби борми?

Ш а р и п о в: — Сабаби бор. Айтайми?

Б о ш л и қ: — Айтинг, билайлик!

Ш а р и п о в: — Садир ака бизда икки йилдан бери ишлайдилар. Шу икки йилнинг бир йилини ўлик кўмиш билан ўтказадилар.

Б о ш л и қ: — Ўлик кўмиш билан? Э, товба, канақа ўлик?

Ш а р и п о в: Қанақа ўлик бўларди, бир куни чап кўшнилариининг кампири, бошқа куни оёқ кўшнилариининг куёви, қолган кунлари қариндош-уруғларидан бирортаси ўлаверади.

Б о ш л и қ: — Қизиқ. Кўшилариингизнинг ҳаммаси касалмикан?

С а д и р: — Буёқ сал бошқачароқ тушинтиряптилар. Биласиз, маҳалламиз катта.

Б о ш л и қ: — Биламач, катта. У ерга қариндошлариникига бориб тураман.

С а д и р: — Кунора бир одам ўлиб туради, кўмиш маросимига, маҳаллагарчилик, қатнашмаса бўлмайди.

Ш а р и п о в: — Бунинг устига тогалари, аммалари, янгалари, холалари, қудалари ҳам дунедан ўтган. Шундайми, Садир ака?

С а д и р: — Шундай, иссиқ жон ахир...

Ш а р и п о в: — Энди Садир акам фалопчининг жанозасига бордим, деб турсалар, мен бу кишини қандай прогулчилар, дейман.

Б о ш л и қ: — Садир ака, унда айтинг-чи, бугун тушгача нега келмадингиз?

С а д и р: — Маҳалламиздаги Полвон амаки деганни кўмдик.

Б о ш л и қ: — Полвон амаки, дейсизми? Исминима?

С а д и р: — Ҳамма Полвон дерди, хах исми тилимининг учида турибди.

Б о ш л и қ: — Тушгача жанозаси бўлган бўлса, исми дарров эсингиздан чиқадими?

Ш а р и п о в: — Кўчанинг чап томонида биз, ўнг томонида у туради, деддингиз-ку, оғини дарров унутмагандирсиз?

С а д и р: — Эсдан чиқмайди, исми Махамат!

Б о ш л и к: — Махамат?

С а д и р: — Ха, Махамат, аниқ.

Б о ш л и к: — Тўғри, Махамат! Махамат! (Хушидан кетади)

Ш а р и п о в: — Қариндошлари бўлса керак, графиндаги сувни олинг!

С а д и р: — Қариндошининг отини айтиб қўйдимми, дейман!

Ш а р и п о в: — Ҳой ким бор, шифокорни чакиринглар! (Одамлар келишиб, сув сепишади), нариги хонага олиб чиқайлик! (Бошликни кўтаришиб, олиб чиқиб кетишади. Хонада Садирнинг бир ўзи қолади).

С а д и р: — Аттанг, навбатдаги ёлғонимнинг миси чиқадиганга ўхшайди. Отини аниқ айтмасам бўларкан-а? (Шу пайт эшикдан бир киши киради). Ие, Полвон амаки, келинг.

П о л в о н: — Садиржон, сиз ҳам шу ерда ишлайсизми? Бошлигингиз менга жиян бўлади.

С а д и р: — Бошлиғимиз сизга жиян? (Хушидан кетади).

П о л в о н: — Ҳой-хой, Садиржон! Ҳой ким бор?! (Бошликни олиб кетганлар киришади. Улар қаторида бошлиқ ҳам киради). Қаранг, мени кўриши билан эси оғиб қолди-я!

Б о ш л и к: — Э тоғажон! (Қучоклашиб кўришади).

П о л в о н: — Тушинолмай қолдим, кеча уйингга боргандим, шунчаликми?

Ш а р и п о в: — Бундан беш дақиқа бурун ўлган эдингиз.

Б о ш л и к: — Садир акага сув сениб, хушига келтиринг, ўзи тупинтирар!

П о л в о н: — Уни махалладагилар «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» дейишарди, ишхонада ҳам шунақа экан-да! Садқан одам кетсин-е!

(ПАРДА)



## Кўргилик

Хўжалик директорининг кабинети. Комбинезон кийган Эрмат кириб келади.

Э р м а т: — Чақиртирган экансиз.

Д и р е к т о р: — Табриклайман Эрматжон, кеча олти ойлик иш натижаларини кўриб чиқдик, сен бу олти ойликда хўжалигимизнинг энг пешқадами деб топилдинг, ука! (Директор кўнғирок тугмасини босади, котиба қиз мўралайди). Менга касабакўм раисини чақиринг. Шундай ука, энди бундан буён бўш келмайсан. (Хонага касаб уюшмаси раиси киради).

Р а и с: — Эрматвой, табриклаймиз, ютуқлар билан, қани кўлни беринг! Сизни магнитола билан мукофотлашга қарор қилдик, бўлимнингиздаги умумий йнғилишда тақдим этамиз.

Э р м а т: — Раҳмат, раҳмат!

Д и р е к т о р: — Энди ука, ҳурмат тахтасининг тўри ҳам сизники, битта яхши тушган суратинг бўлса, касабакўм раисига келтириб бер, хўпми?

Э р м а т: — Суратга энди тушаман, албатта!

Р а и с: — Албатта тушинг. Ҳажми тўққизу ўн икки бўлсин. Ха айтгандек хўжалигимизда сураткаш йўқ. Туман марказига боради-да.

Д и р е к т о р: — Майли, эртага бир кун жавоб, суратга тушиб кел!

Э р м а т: — Хўп бўлади! (ховлиқиб чиқиб кетади. Экранда орадан бир ҳафта ўтганидан кейин ёзув кўзга ташланади. Касаба уюшмаси раисининг кабинетига Эрмат киради).

Э р м а т: — Ассалому алайкум!

Р а и с: — Келинг, (хўмрайиб) қаёқларда юрибсиз, ё мактовлардан талтайиб келиб, санқиб қолдингизми?

Э р м а т: — Суратга тушиб келдим.

Р а и с: — Суратга бир ҳафта тушадими, ахир. Бир кунга жавоб берилган-ку!

Э р м а т: — Туманимиз марказидаги сураткаш касал экан, ёниқ. Вилоятимиз марказига бордим. У ерда суратга тушувдим, эртага келиб хабар олинг, негативни кўрамиз, дейишди. Эртасига бордим. Негатив яхши чиқ-

мабди. Яна сураткаш суратга олди. Унинг эртасига негативни кўрдик. Бу галгиси яхши, икки кундан кейин келиб олиб кетинг, дейишди. Бу ёкка келиб, боришим учун бир кундан икки кун кетади. Шу боис меҳмонхонада кутиб ётавердим. Кино, театр қилиб икки кўнни ўтказдим. Мана суратим.

**Р а и с:** — Қани, (суратни қўлига олади). Яхши тушибсан. Энди буни хўжалик илғорларининг «Хурмат тахтаси»га эмас, ашаддий прогулчилар тахтасига қўямиз.

**Э р м а т:** — Нега, айб менда эмас-ку!

**Р а и с:** — Нега айбдормассан, бир ҳафта ишга чиқмадинг.

**Э р м а т:** — Сураткаш касал бўлса, нима қилай, туман марказида биттагина сураткаш дўкони бор экан.

**Р а и с:** — Ука, бу шикоятингни тумандаги аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхона бошлиғига айтасан. Ҳа, шундай, энди илғормас, прогулчисан!

**Э р м а т:** — Қаёқданам суратга тушмоқчи бўлдим! Бу кўргилик ҳам бор экан-да! (Бошини икки қўли билан чангаллаб қолади).

( П А Р Д А ).

## **Суюнчини кимга берай**

( м о н о л о г )

Билолмадим, бу — Аёллар йилининг шарофатимикин, бир ҳафтадан бери хотинимнинг оёғи олти, қўли етти; тилидан бол томади. Менга нисбатан қалбида офтоб чарақлайди. Илгаригидай, сал гапга онасиникига кетиб қолиш йўқ, уйни бошига кўтариб, шовқин солмайди...

Оғайнилар, сизга дилимдагини қандай тушинтиришга ҳам ожизман. Кўнглим бамисоли булутсиз осмондай мусаффо. Уйимизнинг дераза ойналари ярақлайди, ҳаммаёқ ёғ туپса ялагудек топ-тоза. Аввалгидек, коса-ю пиёлалар синмайди. Ишдан келдим дегунча, эгнимдаги кўча кийимларимни ечдириб, уй кийимларимни кийдиради, атрофимда парвона бўлади.

— Баходир ака, бугун кўнглингиз нимани тусайди, ё угра кесиб, юмшоққина қайла опи қилайми? Айтинг, ёки ош дамлайми? — дегани деган.

— Ферузахон, овора бўлманг, осон пишадиганини тайёрлай қолинг, — дейман.

— Вой дадаси-ей, овораси борми, кечгача иш билан бўлиб, қорнингиз пиёзнинг пўсти бўлиб кетгандир, — дея мен хуш кўрадиган таомлардан бирини пиширишга киришади.

Ишхонамдагилар хар куни кийимларимга қарашиб, хайрон бўлишади: шимим шундай дазмолланадики, бамисоли, қирраси қиличдек, кўйлагимнинг ёқаси крахмалланган. Дастрўмолимдан атир хиди анқиб туради, туфлигим лаклангандек ялт-юлт этади.

Айтинг, айтинг, энди хотинимга кўз тегмасин-да! Ахир у яқингинада али десам, бали деб гап қайтарарди. Ёқасининг яғири чиққан кўйлақларимни ювмай, мени исқиртга чиқариб, кайфиятимни хуфтон қиларди. Энди эса батамом ўзгарган. Бу ўзгаришни биров олдиндан билиб, менга суюнчи беринг, янгам юз даража ўзгардилар, деса катта совға берган бўлардим. Афсуски, бу ўзгаришни ўзимдан бўлак ҳеч ким билмайди. Айтинг, суюнчини кимга берай?!

Аммо, куни кеча бир сирни сезиб қолдим. Қайнонам келини билан сануманга бориб, аразлашиб қолибди. Энди бизникида яшамокчимиз... Хотиним ана шу гапнинг учини чиқарганидан кейин ичимда дедим: уйимиздаги обҳаво ўзгармайдиган бўлса, ўнта қайнонам бўлса ҳам келавермайдими! Демак, суюнчини қайнонамга бериш керак эканми! Йўқ, ариқдаги сув тескарисига оқиб кетиши мумкин, яна ўйлаб кўрай!

## Сирли суҳбат

(диалог)

Чойхонанинг ҳеч ким йўқ хонасида икки тафтишчи шивирлашиб ўтиришибди. Катта ёшдагиси кичигига савол ёғдирарди, у жавоб беради.

— 5-озик-овқат дўконини тафтиш қилиб бўлдингми?

- Ха, тугатдим.
- Қалай?
- Олдинга қирқ минг сўм ошиқ чиқди.
- Кейин нима қилдинг?
- Боплаб акт тузгандим...
- У нима қилди?
- Кўрқиб, ялинишга ўтди.
- Сен нима қилдинг?
- Акт тўғри деб, имзо чектиришга зўрладим.
- У имзо чекдими?
- Қаёқда, ранги бўздек оқариб тураверди.
- Сен ҳам унга караб туравердингми?
- Бе, қаёқда! Ўшқариб, қистовга олдим.
- Сўнг нима бўлди?
- Тиз чўкиб, ялинди.
- Сен-чи?
- Актни кўрсатиб, телефон гўшагини кўтардим.
- У-чи?
- У «Арра» дегандек чап кўзини қисди.
- Сен нима қилдинг?
- Мен чўнтакни кўрсатиб, «майли» деган бўлдим.
- У нима қилди?
- Ярмини секингина чўзди.
- Шундан кейин нима бўлди?
- Ярмини олганимдан сўнг актни йиртиб ташладим.
- Ундан кейин нима бўлди?
- У бошини сарак-сарак қилиб жилмайди.
- Сен-чи?
- Сал чўчий бошладим.
- Кейин у нима қилди?
- Телефонга қўл чўзиб, менга юзини бужмайтирди.
- Сен караб туравердингми?
- Гапирма, деб ялиндим.
- У-чи?
- Пулни жойига қўй, дегандай имлади.
- Сен кўйдингми?
- Қарасам бўлмайдиган, — жойига қўйдим.
- Шундай қилиб, тафтиш натижаси қандай бўлди?
- Билиб турибсиз-ку, плюс-минус, яъни тўпша-тўғри бўлди-да, ака!

## ЛАТИФАЛАР, ХАНДАЛАР

### Тижорат дўконида

Бозор айлашиб юрган Насриддин Афанди бир тижорат дўконига кириб, у ердаги матоларга қараб, хаваси келибди. Бир чеккадан хорижий матоларнинг номларини сотувчидан сўрай бошлабди:

- Указон, анави қанақа мато?
- Олмония духобаси.
- Кейингиси-чи?
- Хитой жужуши.
- Наригиси-чи?
- Эрон бархити.
- Ундан кейингиси-чи?
- Хинд банораси.
- Унинг ёнидагиси-чи?
- Япон шойиси.
- Унинг нариги ёнидагиси-чи?
- Ўб-бў, — деб фикришибди сотувчи жахли чикиб, — унинг нариги ёнидагими, у — Хунгари эшагининг қулоғи, тушиндингизми?!
- Тушиндим, — дебди Афанди сотувчининг яна ҳам гашига тегиб, — бўлмаса ўша «Хунгари эшагининг қулоғи»дан беш метрини ўлчаб Хитой қоғозига яхшилаб ўраб бering!

### Эрталаб келинг

Афандининг уйига бир еб тўймас ойнаси келиб, унга ёлворибди:

– Насриддин ошна, қорним жуда оч. Аммо, овқат пишираман, деб сира овора бўлмай, кечагидан қолган бир коса ошингдан бериб қўяқол!

– Унда, — дебди жиддий тусда Насриддин, — яхшиси эртага эрталаб келақол. Бугун кечкурун паловхон-тўрани дамласак, бир косасини, албатта сенга олиб қўямиз, ошна!

## Тадбиркорга тадбиркорлик

Кўчада тадбиркор кўшиси Афандини учратиб, ундан маслахат сўрабди:

— Эшагингизни кузгача бериб турсангиз, бозорга юк олиб борадиганларнинг хожатини чиқармоқчи эдим. Ижара ҳақкига ҳар куни ўн беш сўмдан тўлаб тураман.

— Уёқ-буёққа бўрсам, мен уловсиз қоламан-ку?

Автобусда бориб келаверасиз, кўшни, розимисиз?

Кўшнининг маслаҳати Афандига маъқул тушмади, шекилли, у ўйлаб туриб шундай деди:

— Уйга борганимда эшагимдан сўраб кўрай, маслаҳатингизга кўнса ўзини олдингизга ёриллайтиб юбораман! — дея Афанди жўнаб қолди.

## Қолгани аспирант

Собиқ мустабид тузим даврида илмий диссертациялар фақат, марказда ёқланар эди. Ўзбекистонлик икки аспирант номзодлик диссертациясини ёқлаш учун шўролар пойтахти — марказга бориб, бир меҳмонхонага киришибди.

— Биз диссертация ёқлаш учун келгандик, бир ош яшайдиган жой бўлса?

— Топилади, — дебди администратор аёл, — менинг бир дугонам бор, у шаҳар чеккасида яшайди, ўшанга хат ёзиб бераман, — деб аспирантлар қўлига бир конвертни тутқазибди. Аспирантлар кечга яқин айтилган манзилга етиб боришиб, хатни хонадон соҳибасига тутқазишибди. Хатни ўқиб, хонадон соҳибаси уларга кичик болаxonачани кўрсатибди. Аспирантлар талай вақтгача илмий бахслар қилишиб, ухлаб қолишибди. Улар эрта билан болаxона айвончасидан ҳовлига қарашса хонадон соҳибаси товукларига дон сочаётган экан. Шунда аспирантлардан бири лукма ташлабди:

— Товуклардан кўра хўрозларни кўнайтириб юборибсиз-ку, опа?

Хонадон соҳибаси келишган йиғитлардан умидвор бўлиб ухлаёлмаган шекилли, у шундай жавоб қайтарибди:

— Хўрозлар кўп бўлгани билан, фақат икки-учтасиёқ ҳақиқий хўроз, қолгани сизларга ўхшаган аспирант!

## Ярим штатли иш

Марказда диссертация ёклаганлардан бирининг илмий иши маъқул бўлиб, уни академияда ишга олиб қолишмоқчи бўлишибди. Академиянинг кадрлар бўлими уни тиббий кўрикдан ўтиб келишга йўллабди. Бўлим мудури кўрикдан ўтганлик қоғозини кўздан кечириб сўрабди:

— Чап қўлингизнинг бармоқлари нега йўқ?

— Ёшлигимда ўтин чопаетганимда болта билан кесиб олганман.

— У ҳолда сизни ярим штатга ишга оларканмиз-да!

— Нега, ахир ўнг қўлимда хат ёзаман, чап қўлимнинг илмий ишга дахли йўқ!

— Билиб олинг, бу ердаги ходимлар тушгача ўнг қўли бармоқларини шақиллатиб, бир печа марта санаб қўйишади, тушдан кейин эса чап қўлга навбат келади. Сиз тушдан кейин бармоқларингиз бўлмаса нима иш қиласиз!

## Ёғ идиши

Пахта ёғи олиш учун Афанди дўконга борибди

— Ука, шуни тўлдириб беринг?

— Жоним билан, — дея сотувчи пилдираб ичкари хонага кириб, идишни тўлдириб чиқибди:

— Идишингизга ўн бир литр кетди.

— Ахир, идишнинг устига заводда «Ўн литрлик идиш» деб ёзиб қўйилган-ку, ўкимадингизми?

— Мен бир литрлик ўлчов идишимда унга ўн бир марта куйдим-да!

— Қуйишда ҳам қуйиш бор. Хўш, пули қанча бўлади?

— Уч юзи кам тўрт минг.

— Мана уч минг, — дебди Афанди сотувчига, — қолганини ёғ идишим ўн икки литрлик бўлганида оларсиз!

## Бозорда

«Ипподром» бозорига борган Насриддин оёғига енгил шиппак олмоқчи бўлибди. У бозорнинг «Хитой бозори» бўлимига бориб, арзон, чиройли тикилган шиппаклардан бирини танлаб, кийиб кўрибди.

— Яранди оёғингизга, қутлуғ бўлсин! — дебди сотувчи. Насриддин бундок қараса кийиб кўрган шиппакнинг бир чеккасидан бармоғи кўриниб турган эмиш. Шунда у сотувчидан сўрабди:

— Қутлуғ бўлсин, яранди, дегандингиз, энди ямоқчи ўтирадиган жой ҳам шу яқин ўртада борми?

— Индамай, кийиб кетавering, — дебди сотувчи паст говушда, — шунақанги чўзғилаб киясизми?

— Унда яна битта шиппакни текинга беринг, йўлда таги тушиб қолса уйга борганда иккинчисини кийиб, янгангизга кўрсатаман! — деб Афанди битта шиппакни текинга олиб кетибди.

### **Автобусда**

Ўта маданиятли бир киши тикилинч автобусда хайкирибди: «Биродарлар, мен кимнингдир оёғини босдим, узр сўрайман!»

— Хой ошна! — дебди автобуснинг энг орқасида ўтирган Афанди, — ҳеч ким индамаяпти, демак, менинг бир пой туфлигимни босибсиз, бу ёққа узатиб юборинг!

### **Шамол еб кетди**

Қоғоз халтачадаги толқондан каппалаб отиб, Бекобод шаҳарини сайр қиларкан, ёнидаги шериги кўлини чўзиб Афандидан сўради:

— Бизга ҳам толқондан олинг, қорин очиб кетди?

— Мана, олинг, — деб, Афанди унинг кафтига бир отим толқонни ташласа шамол учуриб кетди. Бу ҳол икки-уч такрорланди. Шунда у шеригига деди:

— Сиз ейдиган толқонни шамол еб кетди, очликка чидайсиз!

### **Ёш кўриниш**

Қушлардан бир куни Афандининг кампири эрига ёш кўриниш учун сочини калталатибди. Кечқурун эри хайрон қолиб, дебди:



- Ёш бўладиган бўлсанг, бира тўла бўлгин-да!
- Унда нима қилай?
- Қолган сочингни бўят.
- Ундан кейин-чи?
- Ундан кейин ажинларингни дазмоллат, вассалом!
- Хо, — дебди хотини ёшлардек ноз қилиб, — дазмоллатсам, башарам куйиб, бира тўла тасқарага айланайми?
- Қўлингдан келмаса нега ёш кўринаман, дейсан, камшир! — дебди Афанди аччиғланиб.

## ГАП ТАГИДАГИ ГАПЛАР

У илдизим сувга етди, деб амалга минган тоғасининг ёнига борганди, омади чошмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйига қайтиб келди.

• • •

Хўсанжон узун нарвоннинг энг тепасига чикиб, энди ердагилар билан гаплашмайман, дея икки қўлини осмонга чўзаётганида нарвон жойидан силжиб, қулаб тушди.

• • •

Нафақага чиққан сугир соғувчи Гулсим ая зерикканидан пардоз-андоз қилишга ўтди. Оқарган сочларини қорага бўяди. Бирок, ўн кун ўтмай, соч толалари ўсиб, боши худди ошпоқ пахта устига қора қозон тўнтарилгандай бўлиб қолди.

• • •

— Нима бало, директоримиз бугун чап ёғи билан турганми, — тўнини терс кийиб олибди?

— Кеча кимдир уни «Ҳа сув илони» деб, масҳара қилибди, шундан захрини бизга сочяпти-да!

• • •

— Қўшни, нега совушнинг нархи борган сари ошяпти?

— Бирини ўнганга пуллайдиган олибсотарлар, харом-харишдан тоймайдиган порахўрлар ўз гуноҳларини ювиш учун совунни кўп олишяпгандир.

\* \* \*

— Дугонажон, қизингиз қандолат дўконига ишга кирибдими?

— Худди шундай, куёвим билан жанжаллашгани жанжаллашган эди, зора энди турмиши ширин бўлса?

\* \* \*

— Ойи, боғчада мени ургани учун Сайёранинг қўлини тишлаб олгандим, тарбиячи опа «Иккинчи тишласанг, тишингни суғуриб оламан» деди.

— Хо, суғуриб бўлти, даданг тиш дўхтирилигини билмасмикан, қайтага унинг тишини суғуриб ташлар!

\* \* \*

— Тоҳирнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб қолибдими, лотореясига ютук чиққанмикан?

— Йўқ, тоғаси амалдор бўлиб, унинг елкасига офтоб тегаяпти.

\* \* \*

— Қахҳорнинг пайтавасига қурт тушганми, ариза бериб ишдан кетаяпти.

— Суянғичининг оёғига болта урилган эди, унинг ҳам томири қиркилди-да, ошна!

\* \* \*

— Мирзаназир гуруҳ бошлиғи бўлиб, хода ютганми, салом берсанг, лоақал бошини кимирлатмайди-я?

— Бошини кимирлатиб, саломга алик олса мияси чайқалиб, ундаги лим-лим тўла илм тўкилиб кетармиш.

## НАВРЎЗ КАҲ-КАҲАСИ

Янги очилган гунафшани омонлик-сомолик қилиб ўтирган Тошбуви хола ёнига ҳаллослаб келини келиб деди:

— Ойи, ўғирлаб кетишибди!

— Нимани? — ҳайрон бўлиб сўради хола.

— Наврўзга пиширган кичик қозондаги сумалагингиз қозон-позони билан йўқ!

— Парво қилманг келин, — деб илжайибди хола, — ёшлигимизда раҳматли онам пиширган сумалакни ҳам йигитлар шунақа ўғирлаб кетишганди, савоб бўлади. Хали ўзлари билдирмай, қозонни ташлаб кетишади, бу Наврўз хазили!

\* \* \*

— Мени уялтиряпсиз, дадаси! Келиб-келиб Наврўз сайлида ичасизми?

— Ташвишланма хотин, бугун ичганларни ҳушёрхонага олиб кетишмайди.

\* \* \*

— Саломатхон, қайлиғингни кара, сени байрам билан табриклаш учун гулдаста кўтариб чошиб келяпти-я!

— Вой ўлмасам, у гулни ўғирлаганми, орқасидан милиционер қувяпти-ку!

— Кўркма, дугонажон! Кетидаги югуриб келялган милиционер менинг қайлиғим. Мени у Наврўз билан табриклашга шошиляпти-да!

\* \* \*

— Сайилгоҳдаги кўчма ошхона мудири буфетчи қиз ёнига келиб, шивирлади:

— Анави одам «Шикоят дафтари»ни олиб, нимани ёзди?

— Ёзмади, сомсанинг ичидаги пиёзларни олиб, дафтар ичига қўйди-да, менга бундан гўшт деган нарсани топинг-чи, деди.

— Хайрият ёзмабди, дарров у қўйган пиёзга ковурилган киймадан аралаштириб қўй!



Маймушусха кийинган бир йигит чеккасига гунафша такиб олган Нор кампирга деди:

— Мамаш, гунафшангизни сотинг!

— Сотмайман, ҳув анави ариқ бўйида очилиб турибди, бориб териб ол!

— Теришга уяламан!

— Уялсанг, сайлгоҳда нима бор, ҳайвонат боғини тамоша қил, ўғлим!

## **ЯНГИ ЙИЛ КУЛГИЛАРИ**

### **Кейин биласиз**

Янги йил киришига ярим соат қолганида меҳмондан мезбон сўради:

— Иссиқ қатлама сомсага иштаҳалари қалай?

— Аввал келтириб, хонтахтага қўйинг. — деди меҳмон қоринини ишқалаб, — ундан кейин биласиз иштаҳамнинг қапакалигини!

### **Шошмай турсин**

— Алло! «Тез ёрдам»ми?

— Худди шундай хўш нима хизмат?

— Рафиқамнинг тўлғоғи тутяпти, иложи бўлса...

— Бўлди, тушиндик. Илтимос, рафиқангизга тушинтиринг, ярим соатча шошмай турсин, янги йил кириши билан етиб борамиз! Бир варакайига сукунчини ҳам тайёрлаб қўяверинг!

### **Эшитганмисиз ойи?**

— Ойи, соат ўн иккида чалинган Янги йил бонгини бултур эшитганмидингиз?

— Йўқ, ўғлим! Бултур худди ўша пайтда охинонада эдим. Бу йил ҳам эшитолмайдиганга ўхшайман!

- Нега ундай дейсиз?
- Уни эшитадиган бўлсам, дамланган паловнинг таги олиб кетади-да!

## Қорхат

- Дада, берган конвертингизни хазилкаш оғайнингизга олиб борсам, у очиб ўкиб, хайрон бўлди. Конвертдаги хат акамга ёзилган экан.
- Ия, фаромишлик курсин, ёзган қорхатимни армиядаги ўғлимга юборибман-да аттанг!

## Яхши удум

- Онаси, италянлар Янги йил арафасида эски-туски нарсаларини деразадан улоктиришаркан.
- Бу удум яхшимас. Эски ҳам керак бўлади. Буни ҳам эшитинг, африкаликлар янги йил арафасида хотинларига истаган кийимларини олиб беришаркан, — мана бу удумни яхши удум деса бўлади!

## КЎЧА-КЎЙДАГИ ФАРОЙИБОТЛАР

- Рулга ўтиришингизни билатуриб, нега қирқинчидан отиб олдингиз?
- Бир ёри бугун янги йил, иккинчидан қон босимим пасайиб кетганди-да, ўрток инспектор!

\* \* \*

- Мотоциклининг аравачасига Мамадали қўшниси Ўровойни қўярда-қўймай ўтказиб олди.
- Қаёққа борамиз? — сўради қўшни Мамадалидан.
- Шу шомдан кейин кўзим кўчани яхши кўрмайди, мен ҳайдайвераман, сен кўчага қараб кетавер!

\* \* \*

- Уйингиз олис-ку! Нега шундай катта шкафни елкангизда кўтариб кетяпсиз, ошна?
- Шкафим билан автобусга чиқаришмаса нима қилай!

\* \* \*

Қориндор семиз аёл таксичига деди:

— Тўйпа-тўғри туғурукхонага ҳайданг, кеч қоляман!

— Хўп бўлади, — деб таксичи машина тезлигини оширди, хатто, кизил чироқдан ҳам тўхтамай ўтиб кетди. Унинг бу ҳаракатидан аёл кўрқиб, тушинтира кетди:

— Шошилмай ҳайдаверинг, мен ўша ерда доя бўлиб ишлайман!

\* \* \*

Икки маст киши кўчада ёқа бўғишиб қолишди. Улардан бири бақириб, вайсарди:

— Тунов куни ичганимиздан кейин кетишга пулинг қолмай, юз сўм олгандинг, нега бермайсан?

— Олгансан, — дерди иккинчиси, — ўтган куни ресторанда пулинг етмай қолганида мен тўлаб юборганман, билдингми!

— Унда олиш ҳам йўқ, бериш ҳам йўқ!

— Бўпти, ярашганимиз учун яна юзтадан ичайлик, — дея иккови кўчадан яна ресторанга кириб кетишди.

\* \* \*

— Уйингиздаги яп-янги автомашина ўзингизникими?

— Ўзимники, нима эди?

— Нега унда доим яёв юрасиз? Ё ҳайдовчилик гувоҳномангиз йўқми?

— Ҳайдовчилик курсини аъло баҳода битирганман. Машинани доим ўғлим ҳайдайди, мабодо бузилиб қолса менга навбат келади, биродар!

\* \* \*

«Ипподром» бозорида турли хил тугма сотаётган аёлдан бир киши келиб сўради:

— Турмуш ўртоғингиз қаерда ишлайдилар?

— Қўйлик бозорига катнайдиган 99-автобусни ҳайдайдилар.

— Тушинарли, унда пальто, костюмларнинг тушиб

қолган тугмаларини бошқа ёқдан изламай, сиздан бемалол топса бўларкан.

\* \* \*

Трамвайда кетаётган бир қария ўзига жой бермаган йигитчага деди:

— Ўғлим бод касалим бор, оёғим шундан оғрияпти. Сендек пайтимда катталарга жой берардим, сен бўлсанг...

— Ана шу феълингиздан касал бўлгансиз-да, бобой, ўзингизни ўзингиз авайламай, — деб, йигитча терс қараб олди.

\* \* \*

— Кампир, қаёққа борасиз? — сўради киракаш шофёр йўловчи аёлдан.

— Неварамникига!

— Неварангиз қайси томонда туради?

— Неварамнинг уйини билмасанг, нега олиб бориб қўяйми, деб тўхтадинг? Биласанми, неварам ўт ўчирувчилар бошлиғи!

\* \* \*

— Машинангиз жуда бошқача экан, қайси мамлакатники?

— Чиноз деган мамлакатнинг Яллама қишлоғиники!

\* \* \*

Бир киши автовокзал яқинида бир қоп юки билан турган экан, эшакда кетаётган Афандини тўхтатиб дебди:

— Мана шу юкни уйимга элтиб беринг, юз сўм берман.

— Йўқ бўлмайди, — дебди Афанди унга, — hozир ёнилғининг нархи ошган, биродар, ўйлаб гапиринг!

## **ШИФОКОР ГУРУНГИДАН**

«Беморларни даволашда қулгили материаллардан фойдаланиш лозим!» дея ўз маърузасини тугатган шифокорга тингловчилардан бири савол берди:

- Ўзингиз ҳам тез-тез кулиб турасизми?
- Ростини айтсам, — деди маърузачи, — кулишга сира вақтим йўқ. Фақат, гоҳ-гоҳида тушларимда куламан, холос.

\* \* \*

Хузурига кирган беморга профессор деди:

- Анави курсини олиб келиб, яқинимга ўтиринг-чи!
- Мухтарам профессор, мени ким деб уйлаяссиз, хамширангизни чакиринг, стулни ўша қўйсин!
- Узр, сизни танимадим, ким бўладилар?
- Туман ҳокимининг ёрдамчиси бўламан!
- Ўх-хў! Катта одам экансиз. Ундай бўлса, жаноби олийлари анави иккала курсини олиб келиб, икковига ўтирақолсинлар!

\* \* \*

Бир шифокор шундай ҳикоя қилади:

— Аввалги ҳафта хузуримга маҳалламиздаги мактабнинг жуғрофия муаллими келиб, соғлиғи ёмонлигидан шикоят қилди.

— Аниқроқ айтинг, қаерингиз оғрийди? — сўрадим ундан.

- Орқа курагимнинг шимолий-шарқий қисми.
- Тушинарли, демак ўнг елкангиз. Яна қаерингиз?
- Орқа қовурғаларимнинг энг жанубидаги икки ярим шарнинг ғарб томонидагиси марказига чипқон чиққанга ўхшайди.

— У холда, — дедим унга тушинтириб, — шарқий ярим шардан қон олиб, ғарбий ярим шарга қуямиз!

\* \* \*

Ўта маҳмадона одам шифокорга дардини айтибди:

- Тилимга терскай чиқибдими, гапиролмай қолдим.
- Оғзингизни очиб, тилингизни чиқаринг-чи? Бўлди, тилни чарчатиб қўйибсиз, камроқ гапиринг.
- Терскай нима бўлади?
- Кўп кишининг қулоғига озор бериб, қарғишга



колибсиз. Ҳозир дори суртиб қўяман, бундан буён тилни авайланг!

\* \* \*

— Дохтир, нима қилсам экан, тилмай аксирганим аксирган.

— Нима қилардингиз, дастрўмол тутинг!

— Битта дастрўмолнинг ўзи билан бўлмайди-да!

— У холда ўнта дастрўмол тутинг, унда ҳам бўлмаса ўн бешта тутинг — деди шифокор ҳазиллашиб.

\* \* \*

Бош шифокор палатада нос чекаётган беморни кўриб сўради:

— Илгари тамаки чекармидингиз?

— Ҳар куни икки пачка «Прима»ни чекиб ташлардим, сигаретнинг нархи ошганидан, тишларим сарғайиб кетганида нос чекишга ўтдим.

— Нос ҳам милкларингизни яллиғлатиб юборибди, энди нима чекасиз?

— Сиз нимани буюрсангиз, ўшани чекаман-да, дохтир!

\* \* \*

Палатада бемор беморга гаширяпти:

— Гўшт еманг, деганди доктор, сиз бўлсангиз уйдан келган мантини паккос туширяпсиз?

— Қўяверинг биродар, хамирнинг ичидаги гўшти дохтир кўрармиди!

\* \* \*

— Ҳамира, нега палатамиздаги беморларнинг ҳаммасига бир хил дори беряпсиз?

— Агар бир хил дори бермасам, адашиб кетишим мумкин!

\* \* \*

— Қисқа-қисқа йўталапман, давоси борми? — сўради бемор шифокордан,

— Давоси, йўтал бошланиши билан уни қайтаринг. Ўшанда ҳам бўлмаса, оғзингизни сочиқ билан маҳкам беркитинг. Бўлмаса йўталаверасиз-да!

• • •

— Ароқ ичасизми? — сўради шифокор бемордан.

— Йўқ, раҳмат дохтир, аввалроқ айтганингизда бошқа гап эди, hozир буфетдан тўғри ёнингизга келдим.

• • •

Тоғдаги кишлоқлардан бирида сайр килиб юрган Тўрахон ака ўша ердаги шифокорга кириб, оёқ бўғинлари оғриётганидан шикоят килибди.

— Машинада юраверганингиздан бўғинларингизга туз йиғилибди. Уйингизга борганингизда картошка қайнатиб, туз қўшмай еяверасиз!

— Бу ерда-чи?

— Бу ерда тоғ чўккисига уч марта чиқиб, тушсангиз бўлгани.

— Оҳ-ҳо, картошкадан осони йўқ экан, — деб уйига жўнабди, Тўрахон ака.

## САЙРУ САЁҲАТ ХАНДАЛАРИ

Мехнат таътилига чиққан Нодиржон Бўстонликка бориб дам олиш учун тайёргарлик кўраркан, ёнида турган якин ошнаси Зойирга деди:

— Ярим соат ичида кийим-кечакларимни hozирлашим, электрчкага чипта олишим, магнитофон билан китобларни жойлашим, овқатланишим лозим, менга ёрдамлашиб юбор.

— Жоним билан, — деб қўйди ошнаси, фақат овқатланишингга ёрдамлашаман, қорним тўйса қолгани бир гап бўлар.

• • •

— Тоғ сайрига борганимда дўлана тераман деб, йиқилиб тушсам, хамма шерикларим ҳаҳолаб кулиб юборишди, фақат бир одам хўмрайиб турди.

- Ўша хўмрайган ким экан, мен танийманми?
- Танийсан, ўша одам ўзим, аканг карағай-да!

\* \* \*

Соя-салқин дам олиш уйига шаҳардан сураткаш келиб қолганди, бир тантик ҳордиқ чиқарувчи аёл унга уқдирди:

— Хой, сураткаш иним, шундай чиройли қилиб суратга туширгинки, уни эсдалик учун дугоналаримга берганимда махлиё бўлиб, қойил қолишсин!

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, опажон, — деди сураткаш йигит, — сувратингизга қотириб ишлов берсам, хатто, ўзингизни ўзингиз танийёлмай қоласиз!

\* \* \*

— Хой биродар, яп-янги машинангизни нега судратиб келаётибсиз?

— Қовунполизга ширинакхўрликка боришим билан пақ этиб, юрмади кўйди.

— Тушиндим, унда сиз дам олмабсиз, машинангиз дам олибди яъни қовун олиб бермаганингиз учун машина сиздан аразлабди-да!

\* \* \*

— Дадаси, сиз тошлардан ўчоқ тайёрлаб тулинг, мен хув анави хонадондан элак олиб келай, тоғда бир бешбармоқ қилиб берайин.

— Хой хотин, элакка борадиган бўлсанг, келгунигча бошқа овқатни пишириб тураман, тушиндингми?

## **АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР КУЛИШГАНДА**

Алчадан бери бир-бирини кўрмаган икки дугона кўчада учрашиб, сўрашиб кетишди:

- Ўғлинг борми, Сайёра?
- Бор.
- Сигарет чекадимми?
- Йўқ.

- Китоб-дафтарларини ийртадимми?
- Йўқ.
- Ундан кўшниллар безор эмасми?
- Йўқ.
- Қандай бахтли онасан-а! Шундай ақлли, одобли ўелинг неча ёшда?
- Яқинда икки яшар бўлади.

• • •

Эр-хотин жапжаллашиб, маҳалла оқсоқоли хонасига келишди.

- Нима гап? — сўради оқсоқол эридан.
- Эртагаёқ хотиним билан ажрашаман, тоқатим тоқ бўлди!
- Сиз нима дейсиз? — сўради хотинидан.
- Менинг ҳам тоқатим тоқ бўлди, лекин эртагамас, индинга ажрашаман.
- Нега сиз индинга, дейсиз?
- Эртага маош оладиган кунлари, яна ичиб қўйма-синлар-да!

• • •

– Зебохон, ишқингизда кўйиб ёняман! Агар турмуш қуришга рози бўлмасангиз, ўрташиб кул бўламан-а!

– Кечирасиз, мен ўт ўчирувчимасман! Тезроқ, 01 га қўнғирок килинг, кул бўлиб кетмасингиздан!

• • •

- Исм-шарифингиз ким? — сўради профессор.
- Исмоилов Эргаш — жавоб берди талаба кулимсираб.
- Хурсанд кўринасиз, нега куляпсиз?
- Севиңганимдан куляпман, нега деганда сиздек профессорнинг биринчи саволига яхши жавоб бердим да!

• • •

– Ботир, сен нега Дилдорага уйланмадинг, ё ота-онаси рози бўлмадимми?

– Ота-онасининг рози бўлишдан бошқа бисотида ҳеч вақоси йўқ экан.

## ТҶЙХОНА МАШ-МАШАЛАРИ

### Совғасига яраша

Жамила хола янги туғилган неварасига бешик оладиган, тўнғичини эса суннат тўйи қиладиган бўлди. Қудаси бир юк машинасида безатилган бешик, кроватча, ўйинчоқлари олтинчи тоғора чўзма-чалпак; иккинчи юк машинада антика ясатилган тойчоқ, видеомагнитофонларни карнай-сурнайлари билан олиб келди. Базм қизиб, кечга яқин тўн кийгазиш бошланди. Холанинг акаси араб гилами олиб келган экан, унга зарбоп тўн кийгазишди. Холаваччаси кичикрок гиламча келтирган экан, унга бахмал тўн, сингисининг эрига полос-шолча келтиргани учун бекасам тўн, қайнисини ўйинчоқ автомашинача олиб келгани туфайли қора пахтали чопон кийгазишди.

— Нега бу шўрликка қора чопон бўлди? — сўради томоша қилиб турганлардан бири ёнидаги шеригидан.

— Кўрмаяпсизми, совғасига яраша чопонлар кийгизилган!

### Қуда чақирикдан сўнг

Қурилишда чилангарлик қилувчи Асилвой қўшнисини — иппадром бозори паттачасини Муталвойга ўхшатиб тўй қиламан деб, жуда катта дараг-дуриг билан кизини узатди-ю, чўзилиб қолди. У бир ҳафта ишга боролмади. Нагижада қасаба уюшма вакили хабар олгани келади:

— Соппа-соғ экансиз, нега ишга бормаяпсиз?

— Э дўстим, сирини айта қолай. Қуда чақирини қилганим, мажбур бўлиб, охири кўчалик кастюм-шимимни қудага кийгазиб юбордим... Энди илтимос прокатга бўлса ҳам кастюм-шим топиб беринг, қарз-қурзаларимдан қутилсам, ҳақини бир амаллаб узарман!

### Тавонхонада

Маҳалла дастурхончисини Холбуви хола тўйхона соҳибасини имлаб, тавонхонага чақирди:

— Овсинингизнинг қудаси манави тоғорани қилиб

келибди, ковок сомса-ю, устида бир дастурхонлик бўз атлас!

— Вой паст кетмай ўлсин, — деди юзини буриштириб тўй сохибаси, — жуда бўлмаса ўзим килиб борган жигар кабоб билан бир кийимлак шийпонимни олиб келақолмайдами! Тоғорасини очмай, шундай қайтариб юборинг, бир таъзирини есин!

Шундай килиб, келган тоғора ўзгартирилмай, қайтариб юборилди.

## ҲАЗИЛ-ҲУЗУЛЛАР

Бир зиёфатда сут-қатик дўкондори даврада ўтирган дўстларининг ютуқлари ҳақида шундай депти:

— Худога минг маротаба шукур, мана сомсалаз дўстим Валижон пиёздан, қассоб дўстим Тиллавоё суякдан, пивофуруш дўстим Азимча кўпикдан, тикувчи дўстим Пўлатжон лахтақдан шохона уйлар қуриб олишди.

— Ўзлари уйни нимадан қурганлар? — сўрабди пивофуруш Азимча.

— Узр, ўзимни қолдириб кетибман. Камина сувдан уй қурганлар.

— Унда дўстим, — дебди пивофуруш хазилга йўйиб, — иккимиз қурган уйнинг пойдевори жуда нобол экан. ҳар эҳтимолга қарши сувга чўкиб кетмаслик учун қайиқ сотиб олайлик!

\* \* \*

Меҳмондорчиликдан уйига қайтиб келган паришонхотир профессор хотинига мактанибди:

— Онаси, мана бу гал шляпамни эсдан чиқармай, кийиб келдим!

— Вой ўлмасам, унда кииниб кетган яп-яши дўппингиз қани?!

— Ие, дўшинини бошим терлаб кетганида буклаб, чўнтакка солгандим, мана турган экан! Эҳ, аттанг, кимнингдир пляпасини кийиб келибман-да!

\* \* \*

Сигаретлар қимматлашиб кетганидан кейин ашадий кашанда Ўрозали сўраб олиб чакувчиларга:

Дўстлар, қад ростлашамиз, —

Кийинга мослашамиз;  
Сигаретни эсламай,  
Яхшиси, нослашамиз! — дея носқовок сотиб олган экан.

— Ундай бўлса, — дебди кашандалардан бири, — носқовокни буёққа беринг:

*Бир оти.ч, носдан отиб,  
Гунглардек сўзлашамиз!*

\* \* \*

Эрта билан ишга кетаётган эр кузатаётган хотинидан сўрабди:

— Радиодан бугунги об-хавони эшитдингми?

— Эшитдим, — дебди хотини ҳазилга йўйиб, — ишдан вақтида уйга келсангиз илик бўларкан, кеч қолсангиз совуқ бўларкан!

— Нима бало, — дебди эри хайрон бўлиб, — об-хаво бюроси уйимизга кўчиб келганми, дейман!

\* \* \*

Ҳадича хола кичик неварасини боқчага етаклаб олиб кетаётганда Мўмин ака деган таниши учраб қолибди. У чўнтагидан попукли конфет олиб неварага берибди.

— Амакига нима дейиши керак? — дебди неварасига Ҳадича хола. Шунда невараси тушмагур, Мўмин акага қараб гапирибди:

— Амаки, бувимлага ҳам битта конфет берақолинг?

\* \* \*

Қадрдон дугонаси билан гаплашиб кетаётган Назо-катхоннинг бирёқ қулоғидаги тилла зирак эгилиб турган дарахт шоҳига илиниб, ариқдаги сувга тушиб кетибди. Уни роса қидиришиб, топиша олмабдилар. Охири дугонаси Мохинисо ҳазиломиз дебди:

— Барибир тополмаймиз, ахир бир қуни бу зирақнинг шофтоли данагидек кўкариб чиқиб, ажойиб зирақчалар туғади, ўшаида оларсан.

— Қизикмисан дугона, — дебди Назокатхон, — тил-ла зирак ҳам кўкариб, кўчатдек мева тугарканми? Га-пинг рост бўлса сен ҳам зирагингни сувга ташла, ҳоси-лини биргаликда терармиз!

\* \* \*

Икки борбон қопда олма, беҳи олиб келиб, шаҳарда-ги йўлка четида сотишмоқчи бўлиб туришганида бир рус милиционер келиб ўшқирибди:

— Здесь, не разрешается, закрывай мешки!

Шунда олма сотаётган шеригини унга кўрсатиб дер-миш:

— Я Мураджан, а он Зокирвой!

## ТЕСКАРИ МАСЛАҲАТЛАР

Дам олиш чоғида бошлигингиз билан шахмат ўйнаб қолсангиз, бир амаллаб, мот бўлиш йўлини ахтаринг!

\* \* \*

Бўйдоқ йигитлар, севган кизингиз билан асло таксига ўтира кўрманг. Йирик пулингизга таксичидан қайтимиши олишга уяласиз, яхшиси яёв юришни мўлжалга олинг.

\* \* \*

Катта кўчада машинангизнинг ёқилғиси тугаб қолса ўткинчи бошқа машиналар ҳайдовчиларига шланг кўрса-тиб ёрдам сураманг, бир қўлингизда тахлолик пулларни кўрсатинг!

\* \* \*

Қўшининг товуклари ҳовлингизда юрса сира озор берманг, акс холда тухум еяолмайсиз.

\* \* \*

Ишингиз тушадиган одамнинг қалбига қўл солишдан олдин унинг яқин қариндош-уруғини ахтаринг, ҳамир-дан қил суғургандек битмаётган ишингиз битади қўяди.



\* \* \*

Яқинроқ кишингизнинг туида хизмат қилиш истагингиз бўлса ясашиб борсангиз, тўйхонага кирмасдан олдин шу атрофдаги «Химчистка»нинг қаердалигини билиб олинг.

\* \* \*

Мажлисда бўлар-бўлмас гапларни айтиб, маърузангизни чўзаверинг, «қарсақлар» кўп бўлади.

\* \* \*

Эрингизга яна ҳам чиройли кўринадан десангиз, ҳар доим жуда хушқў аёл билан бирга юринг, натижасини билаверасиз.

\* \* \*

Тўй ошига борганингизда ҳамтововингиз ўта очкўз одам бўлса томоғингизни қириб, икки-уч йўталиб, ўкчиб қўйинг!

\* \* \*

Сафарда эзма, сергап одам билан бирга бўлсангиз асло зерикмайсиз. Бироқ ундан қарз сўрай кўрманг!

\* \* \*

Ҳақиқий овчилар билан бирга овга борсангиз лоф айтишни ўрганиб келасиз, аммо ов қилолмайсиз. Пулингиз бўлса «ов» сотиб олиш мумкин.

\* \* \*

Пахта теришга шаҳарга борганингизда тарвуз полизга яқинроқ жойдан теринг, торозибон тортдирган қонингиздан тарвуз топиб олиб, ҳурсанд бўлади.

\* \* \*

Автобуста қора кўзойнак тақиб чиқсангиз, ёшлар даров жой беришади, иложи бўлса ҳасса ҳам олиб юринг.

\* \* \*

Чекадиган одамдан сигарет сўрамоқчи бўлсангиз, аввал атайлаб юз сўм қарз сўранг, бўлмаса сигарет ололмайсиз.

\* \* \*

Сартарошга кирганингизда ўзингизни эшитмайдиган кар қилиб кўрсатинг, бўлмаса кулоғингиздан айриласиз.

\* \* \*

Тунукасоғни ҳақорат қилмоқчи бўлсангиз, у ишлаётган пайтда қилинг, аламдан тарқайсиз, у бирор гапингизни эшитмайди ҳам, хафа ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Уч-тўртта бўлиб, қовунполизга пиринадка борганда ёнингиздаги пичоғингизни деҳқонга ҳадя этсангиз, ютук сизники бўлади, бўлмаса бодринг маза қовун еб қайтасиз!

## МИТТИ МАСАЛЛАР

### Тўрдаги ари

Ўргимчак тўрига илинган Ари ёлворибди:

— Илтимос, мени қўйиб юбор, бундан буён сенга тегмайман!

— Мендан осонгина қутулиб бўлибсан, — деб жавоб қайтарибди Ўргимчак — болаларинг ҳар куни менга ўн-ўн бешта пашшани тутиб келтириб туришсин, кейин бир гап бўлар.

— Сенинг тўрингга тушганимни болаларим билишмайди-ку?

— Ўзим хабар бердим, ҳозир улар пашша излаб юришибди.

## Пўкак билан тош

Катта арик қирғоғида Пўкак билан Тош ётарди. Тош рожа кўпириб мақтанибди:

— Биласанми, мен шундай кучлиманки, салгина туртсам, сени учуриб юбораман, шунинг учун мен билан ҳазиллашма!

— Сал ўпкангни бос, — дебди Пўкак майин товушда, — борди-ю, учуриб юборсанг ҳам менга ҳеч гап бўлмайди, барибир ўзинг балога қоласан!

— Бўпти, — дебди-ю, Пўкакни Тош думалаб келиб, сувга итариб юбораман деб, ўзи ҳам шўнғиб кетибди. Бироқ, Пўкак сув юзига қалқиб чиқиб, қутилиб қолибди.

## Бечора туя

Бедапоя чеккасида уйилиб турган бир арава қуруқ бедани Туяга юклашди. Аммо, Туя оғир юкни кўтариб, ҳеч қаяққа юролмай тураверди. Шунда кичик эшакчани келтириб, унинг бурундуғидан боғланган тизгинни боғлашган эди, Туя унинг кетидан кетаверди. Буларни бедапояда ёйилиб юрган от кузатиб тураркан, у ўзича деди:

— Э бечора Туя, зилзамбил юкни кўтарса ҳам мустақил юролмас экан-а?

## Танобчи читтак

— Эртаю кеч қадамлаб нимани ўлчайсан? — сўрабди Мусича Читтакдан.

— Ота-боболардан қолган ҳовлининг қанчалигини-да!

— Бундан сенга нима фойда?

— Қасбим танобчилик, ўлчамасам зерикаман. Одамлар ҳовлисининг қанчалигини мenden сўраб билиб олишади!

## Гўзал олма

Олма дарахтининг энг баланд шохи учида ажойиб бир меваси ўзини кўз-кўз қилиб мағрур турарди. Унга

кўзи тушганлар «Жуда чиройли экан!» деб қўйишарди. Бир кунни ўша жонаки кип-қизил олмани олашакшак чўкиб, бир томонини кемтик қилиб қўйди. Шундан кейин уни арилар талаб, мазасини кетказди. Охири чириб ерга тушди. Аммо, энди унга ҳеч ким қарамади, чумолиларга ем бўлди. Ундан пастроқдаги олма меваларни эса дастурхон кўрки бўлишди.

### **Тошнок**

Баланд шохдаги Тошнок киши яқинлашса ҳам пишмай тураверди. Охири уни қаттиқ шамол мажбуран ерга қулатди.

— Пастга тушмайман, дегандинг, тушибсан-ку? — сўради ёнидаги паст Беҳи.

— Юқорида туравериш жонга тегди, — дебди Тошнок сир бой бермай.

### **Посбон мушук**

Ошхонада сичкон кўпайиб кетганидан хонадон соҳиби Мушугини у ерга қамаб қўйганди. Мушук қараса ғалвир тагидаги товоқда лаҳм гўшт турибди, уни паққос тушириб ухлайверибди. Атрофида эса сичконлар посбон Мушукдан хурсанд эмиш.

### **Пашшанинг нолиши**

— Хайвонга қўнсам думи билан, одамга қўнсам қўли билан уради. Мени тинч қўйишадими, йўқми?

— Нолийверма, — дебди Ари Пашшани ушлаб олиб. — Ўзим сени тинчитаман!

### **Қалам ва ўчирғич**

— Ҳа деб хато қилаверасанми? — сўрабди Қаламдан Ўчирғич.

— Бўлмаса сенга иш қолмайди-да! — жавоб берибди Қалам.

## Орзуга айб йўқ

Туя: — Хаммомга тушишни хавас қиламан, ниятимга етармиканман.

Тўти: — Тилим бўлса бийрон, одамлар қолса хайрон!

Лайча: — Жуссам кичик бўлса ҳам кўппакдек кучим бўлса!

Хўкиз: — Қани, тувилган куним бўлиб, менга гулдас-талар тақдим этишса, бир гулга тўйиб олардим!

Эчки: — Байрам арафасида кўча чеккасидаги дарахтларни менга оқлатишса қанийди?

Тошбақа: — Одамларга хайронман, соябон кўтаргунча, менга ўхшаб тош тоғора кўтариб олишмайдами?

Хўроз: — Товуқларнинг кўплиги бошга бало бўларкан, энди кўшненикига чиқмай қўяколай!

Товуқ: — Бир дона тухум туғиб, тўққиз марта қақаласам ҳам барака топ дейишмайди-я, ҳақиқат борми ўзи?

Чивин: — Лоақал кечқурунлари кўшиқ айтишимга кўйишмайди-я!

Эшак: — Доим тоғдай гавдали Туяни етаклаб юр-ман, миннатдор бўлишмай, қайтага устимга миниб олишади, инсоф борми?

Туякуш: — Одамлар менга, на қушмассан, на ҳайвонмассан, дея таъна қилишади, ифводан қачон қутилам-ман!

Тулки: — Мени айёр дейишгани дейишган. Ёмон бўлсам, нега думимни ёқа, теримни қалпоқ қилиб кийиб олишади?

Мушук: — Талай сичқонни кийратсам ҳам ошпаз йўқолган гўштини меңдан кўради, қани диёнат?

Бедана: — Биримизни сайратишади, биримизни уриштиришади-да, яна тўрқовокка солиб кўйишади. Тўрқовоклар йўқ бўладиган кун ҳам бормикан?

Бўри: — Есам ҳам овзим қон, емасам ҳам. Бундан буён нима бўлса пешонамдан кўраман!

Қуён: — Тоқай ҳавотирда яшайман, энди озроқ кайф қилиб, овчининг милтиғини ўғирласаммикин?

Чумоли: — Ёз бўйи ишлайман, хотиржам қишлайман. Фақат мураббо тайёрлашни билмайман, ўргансам мазза эди-да!

## Аския

(Афанди пайрови)

Зойиржон: — Ҳўв Тойиржон, канака одамсиз ўзи. — Афандимисиз. дейман?

Тойиржон: — Балким, Афанди бўлсам бўлгандирман, нима эди?

Зойиржон: — Тунов куни кўш вагонли трамвай хайдовчисидан «Трамвайингиз Эски шаҳарга борадими?» деб сўрадингиз. У бормаиди, деса, сиз нима дедиңиз, «Унда орқалаги вагон борар-а?» дейсиз-а! Вой, Афанди-ей!

Тойиржон: — Мулла Зойир, ўзингиз ҳам Афандимисиз, дейман?

Зойиржон: — Нимага бундай деяпсиз, Афанди бўлсам, бўлгандирман!

Тойиржон: — Олдинги хафтада ховлингизга кирсам сигир соғаётган янгага «Хотин, қаймоғини алоҳида соғиб ол, сутга араланиб кетмасин!» дейсиз-а!

Зойиржон: — Ҳа-ха-ха! Бир қизик ишингиз эсимга тушиб кетди, шунга куляпман, Афандининг худди ўзисиз-а!

Тойиржон: — Афандининг ўзи бўлсам, бордир, нимага куляпсиз?

Зойиржон: — Занги ота бозорида товуқ сотаётган қарияга айтган гапингиз эсимга тушди-да! Ўшанда «Отaxon, товуғингиз ўзингиздан ҳам озғин экан, бирор дорини бериб оздирганмисиз, дейман. Агар ўша дорингиздан ёнингизда бўлса бир кафт беринг, дохтир, сал озинг, деганди» дейсиз-а!

Тойиржон: — Кулмай десам, менинг ҳам кулгимни қистатиб юбордингиз, ошна! Нима бало, Афандимисиз?

Зойиржон: — Афанди бўлсам бордир, нима экан ўша кулгингизни қистатган?

Тойиржон: — Кеча ховлингизда сигир қувиб юрган ўғлингизга бақиряпсиз: «Қулоғидан маҳкам ушлаб олиб кел, манави қозикдаги арқонни ечмай қўяқолайин!» дейяпсиз. Шунда, ўғлингиз ҳам ота ўғли-да, «Дада, қўшининг арқонини олиб чикиб, боғлаб олиб борайми?» дейди-я! Ҳа, Афандининг ўғли-я, деб қўйдим ичимда.

Зойиржон: — Айтаверсак, иккимизнинг ҳам Афандинамо қилиқларимиз кўп. Келинг, шакарнинг ози ширин, деганларидек, пайровга цукта қўяйлик!

Тойиржон: — Кулгисевар мухлисларимиз омон бўлишини, хонадонларидан кулги ва шодлик аримасин!

## **ЖИЛМАЙТИРАДИГАН ВОҚЕАЛАР**

### **Домкрат**

Кашкадарёлик бутун иттифокқа машхур бўлган жамоа хўжалиги раиси. Меҳнат қаҳрамони Чўли Бегимкулов Нишон кишлоғилик полвонлар авлодидан эди. Унинг оғирлик вазни 160 килодан ортиқ бўлиб, фақат орқа эшиги атайлаб кенгайтирилган «Виллис» маркали енгил автомашинада юрарди. Уни ҳамма «Чўли бобо» дерди.

Бир куни Чўли бобо чўлдаги лалми буғдой ҳосилининг ўримига келган-келмаганлигини билиш учун борганида «Виллис»нинг орқа ёлдирағи баллони бўшаб қолибди. Шофёри ёлдиракни алмаштирмоқчи бўлиб қараса, домкрат йўқ, — гаражда қолиб кетибди. У нима қилишни билмай, охири Чўли бобога ёлворибди:

— Раис бобо, машинанинг олдинги капоти устига чиқиб ўтиринг, домкрат қолиб кетибди, ёлдиракни алмаштириб олай.

— Ха, майли! — деб раис бир амаллаб, олдинги капот устига чиқиб ўтирган экан, машинанинг орқа томони сал кўтарилибди. Шофёр дарров ёлдиракни алмаштириб қўйибди.

Ўша-ўша Чўли бобо машинага чиқаётганида шофёрга «Домкрат эсингдан чиқмасин!» дейдиган бўлган экан.

### **Ковун уруғи**

Хоразмнинг Бўзкалта қишлоғилик оламга танилган, ковуи етиштирувчи соҳибкор Матвафо Юсунов тўғрисида марказий телевидение орқали кўрсатув берилганидан кейин унга дунёнинг ҳар бир бурчагидан «Озгина ковуи уруғингиздан юборинг» деган хатлар оқиб келабошлади.

Ўшанда Матвафо оға конвертларга қовун уруғи солиб, почтага борибди.

— Конвертда фақат хат-хабар юборилади, қовун уруғи эмас, — дебди почтадагилар тушинтиришиб.

— Унда буларни қандай сўраганларга юборамиз, ахир мендан илтимос қилишган?

— Махсус халтачалар тикиб, ўшаларда юбориш мумкин.

Бу гаплардан боши котган Матвафо оға уйига келиб, барча хат ёзганларга куйидагича жавоб ёзибди: «Халтача юборсангизлар уруғ оласизлар!»

### **Супургига ҳайфсан**

Сурхондарёлик машҳур жамоа ҳўжалиги раиси, Меҳнат қахрамони Бобомурод Омонов вилоятда биринчилардан бўлиб, катта санъат саройи қурдириб, уни Белорусиядан келтирилган юмшоқ қизил баҳмалли ўриндиқлар билан тўлдиртирган эди. Шу боис, саройни қулфлатиб қўярди. Бир куни раис қараса сарой эшиги очик, қоровул эшик олдида бемалол ўтирибди.

— Мендан рухсатсиз ким очди? — сўрабди у қоровулдан.

— Фаррош очди.

— Ким рухсат берди унга очишга?

— Супургининг буйруғи билан очган-да, раис бобо! — дебди қоровул жилмайган холда.

— Унда ўзбошимчалиги учун ўша супурги деганга ҳайфсан эълон қиламан! — дебди раис жиддий тусда, — бундан буён сарой калити менда туради, сен унинг қулфини қўриқлайсан, тушинарлими!

— Бўпти, қулфга қараб ўтиравераман! — дебди қоровул ҳам.

### **Танишув**

Пахтани квадрат-уялаб экиш бўйича донғи кетган сирдарёлик машҳур механизатор Жавод Кўчиев янги «Волга» автомашинасини олганидан кейин Тошкент шаҳри



атрофидаги халқа кўчадан ўтиб кетаётса автоинспекторнинг хуштаги чуриллабди.

— Қани, хайдовчилик гувоҳномангизин кўрсатинг? — дебди автоинспектор. Шунда у кўкрак чўнтагидан гувоҳномасини олиб, унга берибди. Автоинспектор гувоҳномани ўқиб, хайрон бўлиб сўрабди:

— Сиз ростдан Меҳнат қаҳрамони Жавод Кўчиев бўласизми?

— Ха, худди ўзиман!

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, мана гувоҳномангиз, шу халқа кўчадан машинангизни энига ҳам, узунасига ҳам квадрат-уялаб хайдаб кетаверинг! — дебди чест бериб автоинспектор жилмайиб.

### Чайқовчи

Бир куни Фуломмаҳмуд Абдуллаев мени излаб келиб, шундай дедилар:

— Укажон, сиз ёзадиган кизик воқеа бўлиб ўтди, ўшани айтиб берай деб, атайлаб келдим.

— Нима гап экан, сизни бу ерга бошлаб келган?

— Мен хозир милиционерлар вазирининг олдидан келяпман. Эшитсангиз роса куласиз.

— Қизик воқеа содир бўлганга ўхшайди, айтинг, қулогим сизда.

— Қуда чақирғи қилмоқчи бўлиб, янгангиз билан Эски жўвадаги чопон бозорига бордик. Ўн тўртта чопон олгандик, икки катта тугуц бўлди. Бирини мен, бошқасини янгангиз кўтариб бозордан чиқиб келаётгандик, тўсатдан кимдир «Келяпти!» деб кичқирди. Бозордаги ҳамма чопон сотаётганлар гувиллаб қочиб кетишди. Қарасам, бир паст бўйли ва иккинчиси новча милиционер келишяпти. Қочганлар олдидан бир аёл келиб, уларга бир нима бериб кетди. Икковни тўппа-тўғри ёнимизга келишди:

— Икковинг тугунингни кўтар, кетимиздан юринглар! — деди бўйи узуни.

— Биз чайқовчи эмас, буларни сотиб олдик! — дедим уларга.

— Ҳамма қўлга тушган чайқовчилар шунақа дейди, қани юринг!

— Ҳа, майли! — дея милициянинг бозор қошидаги таянч пунктига келдик. Бу жойда узун бўйлик милиционер катта дафтар олиб, исм-шарифимизни сўради.

— Мен жамоа хўжалиги раиси, Мехнат қахрамони, Олий кенгаш депутати Фуломмаҳмуд Абдуллаев бўлман, буёқ янгангиз бўлади.

— Хужжатни кўрсатинг, бу ерга келганлар бизни кўрkitиш учун ўзини амалдор қилиб кўрсатиб, қутилиб кетмоқчи бўлади.

— Хужжатлар уйда.

— Унда хужжатни олиб келасиз, янга шу ерда кутиб туради!

Ноилож, машинага ўтириб, уйга кетаётгандим, бирдан милиционерлар вазирининг танишлиги эсимга тушиб қолди. Тўппа-тўғри унинг хонасига кириб бордим.

— Тинчликми, келинг? — сўради вазир. Бўлган воқеани унга тушинтиргандим, халиги милиционерларни олиб келиш учун бозорга одам юборди. Зум ўтмай келтирилди, шекилли, вазир 4–5 бегона одамларни чақириб, улар ўртасига мени ўтказиб қўйишди. Кейин бозордаги узун-қисқа милиционерларни чақиритди.

— Сизлар бой тажрибага эгасизлар, — деди вазир халиги бозордан келган милиционерларга қараб, — мана шу ўтирганлар ичида қайбири чайқовчи, айниқлашга ёрдам берсанглар?

— Мана бу дўлни кийган одам, — деди иккови мени кўрсатиб, — ашаддий чайқовчи, у бизни «Депутатман, қахрамонман!» деб кўрkitмоқчи бўлди.

— Баракалла, сизларга! — деди вазир икковининг елкасидаги белгиларни юлиб олиб, — ашаддий чайқовчилар билан курашиш ўрнига, меҳнаткашларни қўлга тушираркансизлар-да!

— Қизиқ воқеа бўлибди, қахрамон «Чайқовчи!» — деб қўйдим.

## КУЛДИРГИЧЛАР

(Билганга хазил, билмаганга чин: кимда ким қизиқчиларнинг ушбу шифобахш кулдиргичларини қоғозга кўчириб, тумор ўрнида такиб, ҳар куни бир маҳал ўкиб, мириқиб кулиб юрса унга касалликлар йўламасмиш...)

## Чекишнинг хосияти

(Юсуфжон қизик Шакаржоновдан)

Чекишнинг уч хосияти бор: биринчиси, — уни чеккан одамнинг уйига ўғри тушмайди, чунки у кечаси билан йўталиб чиқади. Иккинчиси, — чекадиган одамни ит таламайди, боиси доим у ҳасса билан юради. Учинчиси, — чеккан одам Азроилни кутиб ўтирмайди, тезроқ ўлиб кетади!

## Рухсатнома

(Охунжон қизик Хузуржоновдан)

Филармонияга ишга киргандим, бир куни директори-миз чакириб колдилар:

— Охун ака, саҳнада қизикчилик қияпсиз, айтадиган гапларингизнинг ёзилган нусхаси менда бўлиши керак.

— Мен ёзишни билмайман, фақат гапираман холос, — дедим.

— Унда, котибанинг ёнига бориб, айтиб тулинг, у ёзади.

— Йўқ, унинг олдида тилим калимага келмай қолади, саҳнадан бошқа жойда гапираолмайман!

— Гапларингиз ёзилган қоғозга имзо чекиб, муҳр босиб, рухсат беришим керак, ахир!

— Директоржон, ўша муҳрингизни, яхшиси тилимга босиб, имзо чекақолинг, тилимнинг ўзи рухсатнома бўлаверади, мана!

## Пайкалнинг ўртаси

(Теша қизик Комилжон ўғлидан)

Аканг қарағай бригадир эдилар. Бир куни раисимиз ҳовлиқиб келдилар:

— Теша ака, эртадан кейин текширувчилар келаркан, ғўза пайкалларини ёввойи ўтдан тозаламасангиз, шарманда бўламиз!

Бу гапдан кейин ўт босган пайкаллар чеккаларидаги ғўзаларни ёввойи ўтлардан тозалатдириб қўйдим. Текширувчилар пайкал чеккаларидаги топ-тоза эгатларни кўришиб, ишимизни мақташди. Бироқ, бир ёш текширувчи пайкал ўртасига бориб келиб, менга хўмрайиб деди:

— Пайкал ўртасидаги ёввойи ўт босган ғўзалар ҳам сизнинг бригадангизга қарайдими?!

— Йўқ, — дедим унга бир кўзимни кисиб, — пайкалнинг ўртаси қўшни бригадага қарайди, укажон!

## Наврўз куни

(Мухиддин қизиқ Дарвишевдан)

Байрам арафасида бошлиқ барча милиционерларни йиғиб, уктирди:

— Эртага Наврўз байрами. Хамма кўча-кўйда хушмуомалада бўлиши керак!

Эртаси куни автобус бекатида серсавлат бир милиционер турганди, кимдир акса урди.

— Акса урган ким! — жиддий оҳангда сўради милиционер. Ҳеч ким индамади. Акса урган бир онахон шекилли, у «Бекатда апишириш мумкин эмас экан-да» деб ўйлаб, терс қараб тураверди.

— Ким акса урди, деяшман! — баландроқ товушда сўради милиционер. Яна ҳеч ким индамади. Шунда ҳалиги онахон, айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, дея милиционерга юзланиб, деди:

— Ўғлим, мен билмай...

— Соғ бўлинг, онахон! — деди милиционер ҳаёт берган холда зўрма зўраки илжайиб, — Наврўз байрамингиз кутлуғ бўлсин!

## Боланинг дуоси

(қизиқчи Рустам Ҳамрокуловдан)

Бир куни, десангиз, йўл чеккасидаги тез оқар ариқдан машинални юваётгандим, қарасам бир бола кийимкечаги билан оқиб келяпти. Дарров уни сувдан олиб,

оёғини осмонга қилиб, хушига келтирдим, устидаги кийимларини ечиб, офтобда қуритиб, эғнига кийгаздим. Ўшаанда халиги бола тилга кириб, нима деди, денг:

— Амаки, мени тапимаяписиз. Мен Зўрвафас эшоннинг невараси бўламан. Келинг, қўлингизни очинг, бир дуо қилай! Сиз мени қутқариб, кийимларимгача қуритиб, кийгазиб қўйдингиз! Илойим, эғнингиз хўл бўлганида сизни ҳам худо қуритсин, омин оллоху акбар!

## **Кўз доктори хонасида**

(кизиқчи Мирзабек Холметовдан)

Ҳарбий хизматга чакирилганларни тиббий кўрикдан ўтказиш пайти эди. Бир корейс йигити кўз доктори хонасига кирди. Унинг кўзини текшириш учун доктор аввал майда харфларни кўрсатган эди, у ҳаммасини тўғри айтди. Навбат катта-катта харфларга келганида йигит тугилиб, ўқиёлмай қолди.

— Нега майда харфларни шариллатиб ўқидингту каттасига келганда тугилисан? — сўради доктор хайрон қолиб.

— Катта харфларингиз кўзимга сизмаяпти-да! — дея жавоб берибди корейс йигити ўшаанда!

## **Жоним**

(кизиқчи Ҳожибой Тожибойдан)

Бекатта навбатдаги автобус келиб тўхтади. Ҳамма чиқиб бўлди. Фақат, бир бўйдоқ йигит ёнидаги кизга илтифот билан дерди:

— Жоним, сиз аввал чиқинг, кейин мен!

— Йўқ, аввал сиз чиқинг, мен кейин чиқаман, — деб киз йигитга йўл берди. Шунда йигит бир қўлини кўксига қўйиб, ёлворгансимон такрорлади:

— Жоним, йўқ деманг, аввал сиз чиқасиз!..

Буларнинг гаплари вашига теккан автобус ҳайдовчиси ўшқирди:

— Хой йигит, аввал сен чиқ, кейин жонинг чиқади!

## Туғурукхонада

(Обид шоу бисотидан)

Озиқ-овқатлар дўконида ишлаб юрган пайтимда хотинимнинг дарди тутиб қолиб, туғурукхонага элтиб қўйдим. Эртасига кечга яқин хабар олгани борсам, менга ўхшаган эркаклар иккинчи қаватдаги ойналарга караб, хотинчалари билан гаплашишяпти. Мен ҳам оқ халатли аёлга караб, «Асомовани чақириб юборинг, илтимос!» дедим. Кўп ўтмай, хоним дераза олдида пайдо бўлдилар.

– Нима бўлди? – сўрадим ундан қўлимни карнай қилиб.

– Суюнчи беринг, дадаси, ўғил!

– Ўғил, дейсанми? Кимга ўхшайди, менгами ё ўзинг-гами?

– Бўй-баста ҳам, башараси ҳам худди ўзингиз!

– Оғирлиги қалча экан?

– Уч кило-ю икки юз!

– Ойимнинг айтишларига караганда мен уч кило-ю беш юз бўлганман. Суриштириб кўр, яна ўғлимни тортган хамшира торозидан уч юз граммни уриб қолган бўлмасин!

## ҲАЖВИЙ ШЕЪРЛАР ВА МАСАЛЛАР

### Муомаласига яраша

Тўйга бордим дам олиш куни, —  
Яқин дўстим узатди қизин.  
Тўй эмасми, табриклаб уни  
Қиттак отиб, кизартдим юзим.

Қайтмоқ бўлиб чиқдим кўчага  
Қўл кўтардим ўтганда такси.  
Анча кутдим, туриб чеккада,  
Баъзи чоғда бўларкан акси.

Жилва қилиб боқди ниҳоят,  
Кўк чироғи ёниб узокдан.

Кўл кўтариб, қичқирдим ғоят, —  
Аста тўхтаб, сўрар: «Қаёқка?»

- Элтиб қўйинг Янги мавзегга!
- Йўк, у ёққа вақт зик, бормайман!
- Ахир, ука...
- Йўк, дедим сизга!

Машинамнинг ана номери,  
Керак бўлса ёзинг устимдан!

- Тўхтаб, ортиқ тўлайман унда!
  - Майли, минг сўм ўтиринг қани!..
- Уйга етдик, аммо мен шунда  
Санаб бердим такси ёзганим.

Жаҳли чиқиб, таксичи дерди:

- Минг сўм дея алдайсиз нега?!
- Дедим: — Ана уйим номери,  
Шикоят қил истаган ерга!

## Аттангга

(Х а ж в и й к ў ш и к)

Поклик зарур экан ҳар бир соғ танга, —  
Ёмонлигим кечроқ билдим, аттангга!  
Чакки қадам ташлама, деб айтганга  
Қулоқ солмай бекор қилдим, аттангга!  
Аттангга-е, аттангга-е, аттангга!

Кўзим очиб, қинғирликни кўзлабман,  
Кўча-кўйда текин ўлжа излабман.  
Соддаларни алдаб, шилиб, — тузлабман, —  
Кўпчиликни безор қилдим, аттангга!  
Аттангга-е, аттангга-е, аттангга!

Ўқимайин умримнинг қаймоғида,  
Тун кечалар ичиб келиб гоҳида  
Шовқин солдим авжи ухлаш чоғида. —

Қушнилари бедор қилдим аттангта!  
Аттангга-е, аттангга-е, аттангга!

Мен тенгилар букун олим, тадбиркор, —  
Элу юртим тенгдошлардан миннатдор.  
Ох, нетайин, икболимга қурдим дор, —  
Соғ ўзимни бемор қилдим аттангта!  
Аттангга-е, аттангга-е, аттангга!

### **Айтобилмадим**

Тўйда бир амалдор ичиб бўлгач маст  
Хофизни ёнига чорлар ҳуш-ҳавас.  
Айтдики, «Биродар, шундай хонини қил,  
Вужудим эрисин, ором олсин дил!»  
— Бир ориз сўзингиз, айтай, на чора, —  
Деб хофиз машпоққа қилди ишора.  
Сўнг кўшиқ бошлади тавозъе билан,  
Таъсирли дилхаста овози билан.  
«Дилдор сенга арзимин айтобилмадим,  
Юракдаги дардимни айтобилмадим...»  
«Айтобилмадим»ни такрорлар ўн бор,  
Маст шунда хофизга сўзлар шиддаткор:  
«Хой хофиз, кулоқ сол, деяшман, сенга  
Айтобилмасанг, нега хўн дединг, менга!»

### **Тошнинг меҳнат таътили**

Қоровуллик қилар Тошвой бир қурилишда. —  
Ҳафта сайин икки марта боради ишга.

Қолган чоғда қўли тегмас карта, шахматдан,  
Топган гапи: «Норни ютдим, қолдим Аҳмаддан!»

Уйда эса доим жаврар шўрлик хотини:  
— Хой дадаси, михланг синган курси, шотини!

— Вақт жуда зик, кўп куйинма, бўлар онаси,  
Меҳнат таътилида битар ишнинг ҳаммаси!



— Унда уйни оқлаш зарур, — тўйларимиз бор!  
— Сиқилмагин, қолмайди иш ёғғунича қор!

— Сигирхона қуриш керак, ҳаммом, ошхона!..  
Барча ишга Тошвой учун таътил баҳона...

Шундай қилиб, таътилга ҳам чиқди охир Тош,  
Энди тун-кун юмушлардан кўтармас ҳеч бош.

Бир йиллик иш — узун рўйхат, — роса уйилган, —  
Эҳ бечора, дам олмайди, — ишга кўмилган!

Кузатсангиз, такрорланар бу ҳол ҳар йили, —  
Ташвиш билан ўтар Тошнинг меҳнат таътили!

### Гул ва кул

Илдиз отиб қилар Гул орзу:  
— Мендан доим яшаса атроф,  
Атир бўйдан бутун ер юзи  
Баҳра олса, ҳаво бўлса соф...

Шу ният-ла очаркан чирой,  
Ҳар бир кўзга улашар рангни.  
Тозалашга иптилар сувдай, —  
Барги билан ютаркан чангни...

Гул ёнида тўзиб турган Кул  
Булғатаркан майса гиламни,  
Ётаверар ивирсиб нукул, —  
Бепарво, чанг босса оламни.

\* \* \*

Ўхшаб кетар Гулу Кул жуда  
Маҳаллада икки кўшига:  
Бири гулдек,  
Бошқаси кулдек,  
Икки хилдир улар, хўш, нега?

## Куркахон

Товуқлар ичида танноз, эркахон, —  
Ўзига зеб бериб юрар Куркахон.  
Баложат ёшига етган шу кунда:  
Қомати келишган, чиройли жуда.  
Пардозу андозлар, ўзгача нозлар, —  
Атрофда парвона жўжаҳўрозлар.  
Оламда бир менман, дегандай, танҳо  
Ўзига берарди ортиқча баҳо.  
Унга беш кетгандан товукбоқар ҳам  
Зотин кўпайтмоқчи бўларди хар дам.  
Вақт келиб, Куркахон курк бўлди охир,  
Патлари хурпайиб; пситмалар оғир.  
Товуқбоқар тухум бостирмоқ бўлар,  
Курка жўжа очишни гўё ор билар:  
— Йўк, йўк! Қоматимни бузмайман асло,  
Жўжа очсам, чиройим бўлади рақво!..  
Чипору Лигорлар қилар насихат:  
«Фарзанд ширин!», «Фарзанд кўрмоқлик зўр бахт!»  
— Бўлмайди! — деб Курка ёйиб патларин,  
Чўкиб тухумларни синдирди барин.  
Товуқбоқар чидаёлмай бундай қийновга  
Куркани сўйди-ю, босди паловга!

\*\*\*

Масалнинг мағизин чакканлар билар, —  
Куркадай иш тутган сўнг афсус қилар!

## Малакачилар

Гулзорларда қўшиғу куйлар  
Ўргатишиб кичкинтойларга:  
Саъва, Майна, Қумри, Булбуллар  
Дарс берарди турли жойларда.  
Бирдан келди чакириқ қоғоз:  
«Малакани ошириш зарур!»  
Барча борди, хатто ўрдак, роз —  
Кутиб олар Қарғавой мағрур:

— Билим каму берасиз сабоқ,  
 Янгиликдан бўлинг хабардор.  
 Машфулотни мен ва Қарқунок  
 Ўтказамиз, — тингланг, ҳикмат бор!  
 ...машфулотлар этаркан давом  
 Тўлди дафтар ёзиш-чизишга.  
 Кайтариқ кўп, — эзмалик мудом, —  
 Зўр беришар гаши чўзишга.  
 Доим Қарға «Қа-қа»син мақтар,  
 «Чағ-чағ»лайди Қарқунок, сатанг.  
 Тингловчилар мудраб бош чайқар  
 Хам дейишар: — Вақт ўтар, аттанг!  
 — Нега келдик, янгилик қани?  
 Эски эртак, чайналган гаплар.  
 — Ўрганамиз бунда нимани?  
 — Хайф кетди қанчалар дафтар...  
 Шу йўсинда тугар машфулот,  
 Хамма қайтар, аммо, куп-куруқ.  
 Қарғавойлар солишар ҳайхот:  
 «Бердик билим ҳамда йўл-йўриқ!»

\*\*\*

Одамларда оширмоқчи бўлиб малака  
 Калтабинлар ўзларини қилур калака!

## АЙТИШУВЛАР

### Сочлари бирга чулғонсин

(халқ латарии асосида )

Йигит ва киз: — Яли-яли ёрим уйғонсин, —  
 Яли-яли ёр, яли-яли.  
 Сочлари бирга чулғонсин, —  
 Яли-яли ёр, яли-яли!

Йигит: — Сочингни узун, дейдилар,  
 Қора соч дилбар, ёр-ёр.

Кўрсат қани, бир кўраини, —  
Узун соч дилбар, ёр-ёр!

Қиз: — Сочим кўриб, койманг яна, —  
Жон акажоним ёр-ёр.  
Қалталатиб олдим, мана, —  
Жон акажоним ёр-ёр!

Ўнгит: — Аттанг, бекор қирқибсан, —  
Ярашар эди, ёр-ёр.  
Кўплар сенга ҳавас-ла  
Қарашар эди, ёр-ёр!

Қиз: — Хафа бўлманг, мода деб  
Кесган эдим, ёр-ёр.  
Қайта узун ўстирай, —  
Дакки едим, ёр-ёр!

Ўнгит ва қиз: — Яли-яли ёрим уйғонсин, —  
Яли-яли ёр, яли-яли!  
Сочлари ўсиб, чулғонсин, —  
Яли-яли ёр, яли-яли!

### **Бозорга бор, онаси**

Эр: — Ишдан жавоб олиб келдим уч ойга,  
Энди ўзим қараб турай уй-жойга.  
Бозорга бор, бозорга бор, онаси, —  
Чошгоҳ пайти чақираман чой-пойга.

Хотин: — Кўким оғир, майли, кетдим бозорга, —  
Мўмай фойда топишга «Отчопар»га.  
Мол-ҳолларга қараб турунг, дадаси, —  
Оқ йўл тиланг, менингдек пул топарга!

Эр: — Уй-рўзғордан доим кўнглинг тўк бўлсин,  
Тезроқ боргин, худо омадинг берсин!  
Уй ишидан ташвиш тортма, онаси, —  
Тижоратда ҳаменинг пулга тўлсин!

Хотин: — Сармоймиз кўпайса тез илойим,  
Сизга «Тико» олиб бериш муродим.  
— Дуо қилинг кеча-кундуз, дадаси. —  
Кут-барака ато этсин худоим!

Эр. хотин: — Омон бўлса бу «Отчопар» бозори,  
Савдо-сотик қилурсиз кўп қатори.  
Ниятимиз бойиб яшаш ҳаётда, —  
Ошиб-тошсин оиламиз рўзғори!

## МУАЛЛИФДАН

*Қадрли кулги мухлислари!*

*Кайфиятингизни яхшилайдиган қўлингиздаги китобча сизга саломатлик ва ҳушчақчақлик бахш этувчи кулги гулдасталаридан иборат. Бу гулдасталарни «Муштум» журнали иловаси «Афанди» ва «Тошкент ҳафтаномаси»нинг «Кулги дарчаси» орқали таниган бўлсангиз керак.*

*Ўзингизга маълум, кишилар неча неча замонлардан бери кулгидан дардларига даво ахтариб келадилар. Марғилонлик кулги даргаси Юсуфжон қизиқ «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади» дея бекорга айтмаганлар. Мутахассисларнинг айтишларича, киши мириқиб кулса танасида фойдали ўзгаришлар содир бўларкан. Ривоят қилишларича, Афанди латифалари китоблари бор хонадондан ҳар қандай касаллик қочаркан.*

*Агар чамалаб кўрсангиз, халқимизнинг кулги манбаларидан бири бўлган Насриддин Афандимиз минг ёшдан ошган. Демак, минг йилдан бери кулги ҳазинамиз бойиб келмоқда.*

*Аслида Афанди латифаларини севиб ўқиймиз ҳам эшитамизу латифанинг ўзи нима деб сўрамаймиз. Латифа, — бу оғзаки ҳазил-мутойиба бўлиб, кичик бир кулгили ҳикоядир. Унинг бошқа ҳикоялардан фарқи, — у ихчам, лўнда бўлади; эшитувчи ё ўқувчи ҳикоя якунидан қаҳ-қаҳ отиб кулади. Ҳар бир латифада қочирӣқ, кесатиқ, ничинг, ҳазиллар содда ифодаланиб, хулоса қисми гумбирлайдиган кулги билан тугайди. Асосан, ўзбек ёзма ва оғзаки адабиётидаги деярли барча латифалар қаҳрамонлари Насриддин Афандидир. Шунга ўхшаш тожиклар — Мушфиқий, туркманлар Мирали ё Камина, туркияликлар — Хожа Насриддин, қозоқлар — Хожа Носир ёки Алдар кўса, қирғизлар — Қурчуқ, уйғурлар — Салой чаққон, кавказлик туркийза-*

бон халқлар — Несартин ё Несарт, озорбайжонлар — Мулла Насриддин, қорақалпоқлар — Умирбек лаққи, афгонлар — Кукажон, руслар — Балакирь, поляклар — Прастачок, немислар — Тил Эйленшигел, бразилияликлар — Педро, арманлар — Пулупуги, японлар — Хикоити, ҳиндлар — Бирбал, покистонликлар — Шайх Чаоли каби номлари билан ўзларининг Афандиларини атаб келишади.

Кўриниб турибдики, кўпчилик халқларнинг ўз Афандилари бор. Аммо, бизнинг Насриддин Афандимиз қадимий, жуда катта латифа бойлигига эга. Кулги — умр узайтириш дориси, деб алломалар бекорга айтишмаган. Ушбу китобчадаги кулги дориларидан татиб кўрган киши касал бўлса соғайиб кетар, ҳархолда фойдадан холи эмас.

Илойим, хонадонингиздан сира-сира кулги аримасин!  
Шодлик ва завқлантирувчи кулги ҳамшиша ҳамроҳингиз бўлсин!

## МУНДАРИЖА

### Ҳажвиялар

Бир машина хашак . . . . .	3
Икки бошликка бир тўн . . . . .	4
Тиртик . . . . .	6
Афанди уйланармиш . . . . .	8
Кулги буви . . . . .	11
Ачишиш . . . . .	12
Тепки . . . . .	13
Ғафн апелсинми? . . . . .	15
Тизгин . . . . .	16
Нозикхоннинг нози . . . . .	17
Эпчил . . . . .	19
Совчи-овчи . . . . .	20
Юқумли касал . . . . .	21

### Нигермедиялар

Кигобсевар ошик . . . . .	23
Вактинча одам . . . . .	25
Нексияхон . . . . .	27
Навбагдаги ёлғон . . . . .	28
Қўрғилик . . . . .	31
Суюнчини кимга берай? . . . . .	32
Сирли суҳбат . . . . .	33

Латифалар, хандалар . . . . . 35

Ғап тагидаги гаплар . . . . . 39

Наврўз қаҳ-қаҳаси . . . . . 41

Янги йил кудилари . . . . . 42

Кўча-кўйдаги ғаройиботлар . . . . . 43

Шифокор гурунидан . . . . . 45

Сайру саёҳат хандалари . . . . . 48

Аёллар ва ёшлар кулишианда . . . . . 49

Тўйхона маш-машалари . . . . . 51

Ҳазил-хузуллар . . . . . 52

Тесқари маслаҳатлар . . . . . 54

Митти масаллар . . . . . 56

Жилмайтирадиган воқеалар . . . . . 61



Кулдиргичлар . . . . . 64

**Ҳажвий шеърлар, масаллар**

Муомаласига яраша . . . . . 68

Атгага . . . . . 69

Айтобилмадим . . . . . 70

Тошнинг меҳнати таътили . . . . . 70

Гул ва Кул . . . . . 71

Қуркахон . . . . . 72

Малакачилар . . . . . 72

**Айтишувлар**

Сочлари бирга чулғонсин . . . . . 73

Бозорга бор, онаси . . . . . 74

Муаллифдан . . . . . 76

ОЛИМ ҚҶЧҚОРБЕКОВ

АФАНДИ УЙЛАНАРМИШ  
ЁХУД  
ШИФОБАХШ КУЛГИЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош тахририяти  
Тошкент — 2000

Мухаррир *Г. Зокирова*  
Рассом *Р. Эгамбердиев*  
Бадий мухаррир *Ф. Башарова*  
Техник мухаррир *Л. Хижова*  
Мусаххих *Ю. Бижаатова*

Теришга берилди 03.07.2000. Босишга рухсат этилди 15.08.2000.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 4,2. Нашриёт хисоб табоғи 3,8. Адади 5.000 дона.  
Буюртма № 801. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41



250

